Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 54 (7444). ● 18 март, 1981 йил ▲ ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ САТРЛАРИДА

ЕТТИНЧИ ДОВОН

«Пахта етиштириш ҳар йили ўрта ҳисобда 9,2—9,3 миллион тоннага етказилсин. Толанинг сифати яхшилансин. Пахтанинг энг қимматли ингичка толали навларини етиштириш кўпайтирилсин, юксак технологик хусусиятларга эга бўлган ўрта толали пахта навини етиштириш структураси такомиллаштирилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»дан)

Ўзбекистон деҳқонлари партия XXVI съезди ўтказилган йилни янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашга аҳд қилишган. 2,5 миллион тонна дон етиштириб, ўриб-йиғиб олиш, сабзавот етиштиришни 1 миллион 300 минг тоннага, полиз экинлари маҳсулоти етиштиришни 565 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Энг муҳими — камида 5 миллион 900 минг тонна пахта етиштиришга аҳд қилинган.

Ўтган йил Ўзбекистон пахтачилиги тарихига ёрқин, унутилмас саҳифа битилган йил бўлиб қолади. Серқуёш далаларимиз механизаторлари, пахтакорларимиз, селекционерларимиз, олимларимиз, ишлаб чиқарувчи ва қурувчи ташкилотларимиз, транспортчиларимиз, ҳамма-ҳамма ватанпарварлик туйғуларини, меҳнат ғайратини, ижодий ташаббусларини ишга солиб, ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш, пахтани ўз вақтида ва сифатли тозалаш, давлатга топшириш учун ҳаммамиз бирдек масъулиятни ҳис этдик. Ана шу ҳислар, ана шу туйғулар, ана шу ғайрат ва интилиш бизга ўтган йилда 9,2 миллион тонна пахта етиштиришга имкон берди.

Ўтган йилнинг ёзи, балки бутун ўнинчи беш йиллик муваффақиятлар билан нишонланди. Шу йиллар мобайнида республика тўқкизинчи беш йилликдагига нисбатан 4 миллион тонна кўп — 28,5 миллион тонна пахта етиштирди.

Ўзбекистон деҳқонлари бу чўққига қандай етиб келганларини кўздан кечириш мароқли бўлса керак. 1 миллион тонналик довонни улар 1935 йилда эгаллашган эди. Иккинчи миллион тонналик довон орадан 15 йил ўтгандан кейин, 1950 йилда забт этилди. Навбатдаги миллионинчи довонлар йўли қисқа бўлди. Деҳқонлар 3 миллион тонналик довонни 1959 йилда, тўртинчи миллион тонналик довонни 1970 йилда, беш миллион тонналик довонни 1974 йилда эгаллашди.

Пахтачиликни муттасил ривожланувчи тармоққа айлантиришда нималар ёрдам бердик? Аввало ерларни мелиорациялаш ишлари юксак суръатларда олиб борилди. Республикада ҳар йили янги канал ё сув омбори, насос станциялари ё коллектор ишга туширилмоқда. Ҳозир Андижон сув омбори қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Толлимаржон, Ҳисорак ва бошқа сунъий дениздан барпо этилмоқда. Илгаридан суғориб келинаётган ерлар кенг миқёсда комплекс қайта тикланмоқда.

Илгари саҳро ястаниб ётган жойларгача пахтазорлар кириб борди. Мирзачўлни ўзлаштириш ниҳоясига етди, Қарши ва Жиззах чўлларини забт этиш ишлари олиб борилмоқда. Қорақалпоғистонда, Сурхон-Шеробод водийсидаги катта массивларда янги ерлар ўзлаштирилмоқда. Беш йиллик мобайнида қарийб 500 минг гектар қўриқ ер бағрида экинлар етиштириладиган бўлди.

Аммо пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг бош йўли — тармоқни интенсивлаштир. Бухоро областини мисол қилиб олайлик. Кейинги пайтларда Ўзбекистоннинг барча пахтакорлари тилидан бу область тушмай қолди. Ўтган йили областда ҳар гектар ердан 37 центнердан зиёд ҳосил ингиштириб олиди. Ҳолбуки, шундан беш йил илгари ҳосил 24 центнердан ошмасди. Ҳосилдорлик бошқа областларда ҳам кўпайди. Умуман республикада эса 33 центнердан ошиб кетди. Баҳоланки бундан ниҳояти 10—15 йил муқаддам пахтакорлар бундай натижаларни фақат орзу қила олардилар холос.

Эндиликда уларнинг орзулари бошқача миқёсларда рўёбга чиқмоқда. Ҳар бир хўжалик коллективи илғорларга тенглашишга интилмоқда: ахир кўпчилик колхозлар, совхозлар, бутун-бутун районлар ҳозир ҳар гектар ердан 45—50 центнердан ҳосил кўтармоқда. Хоразм областида ўртача ҳосилдорлик 40 центнердан ошиб кетди.

Тармоқнинг юксалганлигини деҳқонлар колхоз ва совхозларнинг техника билан таъминланиши органлиги, дала ишларини механизациялаш даражаси ўсганлиги билан ҳам изоҳлашмоқда. Ер ҳайдаш, чигит экиш, ғўзага ишлов бериш ишлари аллақачонлар машиналар зиммасига юклатилган. Пахта йиғим-теримида ҳам техникадан тобора кенг фойдаланилмоқда. Олтмишинчи йилларда машина теримининг ҳиссаси 3—4 процентдан ошмаган бўлса, ҳозир 60 процентдан кўпроқдир.

Машина сермеҳнат иш жараёнини ўз зиммасига олиб, йиғим-терим мавсумини қисқартиришда ҳам жуда қўл келмоқда. Чунончи, ўтган йили Тошкент области пахтакорлари социалистик мажбуриятларини бажариши учун атиги уч ҳафта кифоя қилди. Область механизаторлари машинанинг кунлик иш унумини саккиз тоннага етказдилар. Сирдарё областининг Оқолтин ва Жиззах областининг Дўстлик районларида терилган ҳар ўн тонна пахтанинг тўққиз тоннаси машиналар ҳиссасига тўғри келди. Эндиликда Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштларида етиштирилган ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи машиналарда йиғиштириб олинмоқда.

Мўл ҳосил олиш учун қурашда химия пахтакорларга ишончли ҳамкор бўлмоқда. Ҳар йили республика пахтакорларига қарийб тўрт миллион тонна ўғит етказиб берилмоқда.

Аммо муваффақиятнинг асосий гарови — деҳқонларнинг ижодий меҳнатидадир. Уларнинг олтин қўллари билан «оқ олтин» яратилмоқда. Ўтган йили кузда биз республиканинг кўпгина хўжаликларида бўлганимизда ҳамма ерда кишиларнинг бенҳоя шавқ-завқ билан ишлаётганликларининг гувоҳи бўлган эдик. Масалан, Сурхон водийсининг Қумқўрғон районидаги «Қизил октябрь» колхозининг Ҳасан Мухторов бошлиқ бригадаси юксак социалистик мажбуриятни ҳам, йиллик топшириқни ҳам барвақт бажариб қўйган эди. Колхозчилар шунга қарамай тонгдан қош қорайгунча далада чиқишмасди. Замон уларнинг меҳнатини саҳоват билан тақдирлади. Бригада коллективи ҳар гектар ердан тайёрлов пунктларига 60 центнердан зиёд ғоят қимматли ингичка толали пахта етказиб берди.

Ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон деҳқонлари янги довонни эгаллашлари керак. Партия XXVI съезди қарорларида белгиланганидек, улар қарийб 30 миллион тонна пахта етказиб беришлари керак. Пахтанинг ингичка толали навларини етиштиришга катта эътибор бериш лозим. Эндиликда бу нав пахта фақат Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро областларида эмас, балки Фарғона водийсининг бошқа баъзи ўзлаштирилган ҳудудларида ҳам етиштирилмоқда. Ўтган йили мамлакат тўқимачилари Ўзбекистон деҳқонларидан 358 минг тонна ғоят қимматли хом ашё олдилар. Шу вақтгача бунча миқдорда ингичка толали пахта сира етиштирилмаган эди. Пахтакорлар эса яна янги марраларни кўзлаб туришибди. Беш йилликнинг охирига бориб республика мамлакатга 500 минг тонна ингичка толали пахта етказиб бердиради. Бу ўринда аввало Қарши чўли пахтакорлари намуна кўрсатишлари керак. Ҳозир бу ерда янги ерларни ўзлаштириш кенг миқёсларда олиб борилмоқда. Бухоро деҳқонлари кўшадиган ҳисса ҳам салмоқли бўлади.

Асосий йўналишларда белгилаб берилган республика пахтакорларининг ўн биринчи беш йилликдаги вазифалари мураккаб. Бу вазифаларни ҳал этиш учун катта куч-ғайрат сарфлаш, ер, сув, меҳнат ва моддий-техника ресурсларидан моҳирона фойдаланиш, тармоқни бошқаришнинг бутун системасини янада такомиллаштириш лозим.

Пахтачилик қай тариқа ривожлантирилиши лозим: энига қарабми, ёки бўйига? Энига қараб деганимиз — ҳом ашё етиштиришни янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига кўпайтириш маъносини билдиради. Бўйига қараб деганимиз — ҳар бир гектар суғориладиган ернинг унумдорлигини ошириш, унинг ҳосилдорлигини кўпайтириш демакдир.

Республика мелиораторлари шу беш йилликда қарийб ярим миллион гектар қўриқ ерни ўзлаштиришлари лозим. Шунга қарамай, мутахассислар пахта етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резерви — далалар ҳосилдорлигини янада оширишдан иборат, деб ҳисобламоқдалар. Биноғарин, бу резервдан ҳали тўла фойдаланиб бўлинганича йўқ. Ахир ҳозир 300 дан зиёд колхоз ва совхоз республиканинг ўртача кўрсаткичидан кам ҳосил олмоқда. Айниқса янги ерларда бундай хўжаликлар кўп. Бу хўжаликларнинг коллективлари қўриқ ернинг ўзига хос шароитларини рўкач қилиб, ҳар гектар ердан 20 центнердан ошириб-оширмай ҳосил кўтармоқдалар. Илғорлар икки-уч ҳисса ортиқ ҳосил олаётган бир пайтда бунга тоқат қилиб бўладими?

Бу ўринда олимлар пахтакорларга ёрдам беришлари лозим. Масалан, ҳар бир гўза тупида қўшимча равишда бир-иккита кўсакни сақлаб қолишга имкон берадиган гўза парвариши усулини такомиллаштирган тақдирда экин майдонларини ҳеч бир кенгайтирмасдан, унчалик меҳнат ва моддий техника ҳаражатлари қилмасдан туриб 1 миллион тонна қўшимча ҳосил олиш мумкин.

Пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштирган хўжаликлар пахта етиштиришни кескин кўпайтирмоқдалар-ки, буни Самарқанд области мисолида яққол кўриш мумкин. Бошқа баъзи областлардаги каби бу ерда ҳам экин майдонларини кенгайтириш учун бўш ерлар йўқ. Лекин шунга қарамай ўтган йили область пахта етиштиришни 70 минг тоннадан кўпроқ оширди. Ҳосилдорлик 31,4 центнердан 35,6 центнерга кўтарилди. Деҳқонлар илмий асос-ланган алмашлаб экишни жорий қилмасдан турибоқ бундай натижага эришишлари ажаб эмас. Республиканинг бошқа областларида ҳам деҳқончилик маданиятини оширишга катта эътибор берилмоқда. Аммо Амударёнинг қуйи этаклари, Фарғона водийсининг бир қатор хўжаликларида ҳалигача ниҳолти ўн процент майдондагина чигит беда ва бошқа экинлардан бўшаган ерларга экилмоқда. Барча хўжаликларда тўғри алмашлаб экишни жорий этиш ҳамон пахтакорларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда пахтачиликнинг техника билан таъминланиши анча ўсганига қарамай, ҳал этилмаётган муаммолар ҳали оз эмас. Мана, шулардан бири. Ҳозирги пайтда колхоз ва совхозларнинг ҳайдов ва транспорт тракторларига, трактор прицеплари ва культиваторларга бўлган эҳтиёжи атиги 60—65 процент қондирилмоқда. Йиғим-терим техникаси етишмаяпти. Машинасозлик заводлари трактор ва пахта териш агрегатлари ишлаб чиқариш даражасигина эмас, балки чигит экиш олдидан далаларни текислайдиган, ғўзапояни майдалайдиган механизмлар ишлаб чиқаришни ҳам кўпайтиришлари керак. Устига устак, машинасозлик заводлари ишлаб чиқараётган маҳсулотга кўп эътиборлар билдиришмоқда. Контрол-синаш маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, одатда жиддий камчиликлари натижасида машиналарнинг учдан икки қисми паст баҳо олмоқда.

Пахта териш машиналари ҳақида алоҳида фикр билдирмоқчимиз. «Ташсельмаш» заводи бир неча маркада машиналар ишлаб чиқармоқда. Тор ва кенг қаторлар орасида ишлайдиган, ўрта толали ва ингичка толали пахта навларини терадиган, яруслар бўйлаб терадиган машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Юзаки қараганда, шундай бўлиши лозимдек туюлади. Аммо кўп хилликлик пахтакорларни қониқтирмайди. Улар турли шарт-шароитларда ишлатишга мослаштирса бўладиган универсал машиналарни кутишмоқда. Турли маркадаги пахта териш агрегатларининг афзалликларини бирлаштирса бўлади деб ўйлаймиз. Лекин «Союзмашхлопководстрой» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқарган давлат махсус конструкторлик бюроси бу ишда нима учундир сусткашлик қилаётганликлари бизга қоронғи.

Универсал пахта териш комбайнини тоза, сира ҳам нобудгарчиликка йўл қўймай теришга мослаштириш зарур. Деҳқонлар агрегатлар кетидан одамлар юриб машина тўкиб кетган пахтани этакда териб юриш номақбул иш деб ҳисобламоқдалар. Ҳосил йиғим-теримидаги бу муаммо, чамаси, энг тўғрик проблемадир. Шу боисдан машиналар қатор ораларида кўп ҳосилни қолдириб кетмоқда-ки, натижада хўжаликлар бу пахтани териб олишга шаҳарликларни жалб қилишга мажбур бўлмоқдалар, оқибатда эса ҳосил йиғим-теримига сарф-харажатлар ортиб кетмоқда. Ҳолбуки, пахтани машиналарда териб олиш ҳажмининг ортиши сарф-харажатларни камайтириши керак. Пахтанинг таннархи ошиб кетаётганлигининг боиси ҳам худди мана шундадир.

Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши пахтакорларга янги довонни тезроқ эгаллаш — ҳар йили етти миллион тонна пахта етиштиришга эришишда кўмаклашиши шубҳасиздир.

Н. ГЛАДКОВ,
И. МУҚИМОВ.

(«ПРАВДА» мухбирлари).

Ўзбекистон ССР.
(«ПРАВДА», 17 март).

18 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

АНЪАНАГА СОДИҚМИЗ

Москва шаҳар меҳнаткашларининг доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишлаб шу йилнинг 18 апрелида коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббуслари Тошкент районлари корхоналари ва ташкилотлари, колхозлари ва совхозлари коллективлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Шу муносабат билан жойларда оммавий митинглар бўлиб ўтяпти. Шанбалик куни амалга ошириладиган тадбирлар белгиланмоқда.

Келес жуни дастлабки қайта ишлаш фабрикаси коллективи халқимизнинг бу ажойиб анъанасига содиқ эканликларини меҳнат қўйинда жавлон уриш билан намойиш қилишмоқчи. Шу куни 200 га яқин ишчи бевосита меҳнат постида бўлади. Ҳаммаси бўлиб 185 минг сўмлик саноат маҳсулотни ишлаб чиқаришади. Бундан ташқари кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Ўн биринчи беш йиллик фондига эса 800 сўм маблағ ажратилади.

7-енгил заводлари бошқармаси, тажриба-ремонт механика заводи ишчи-хизматчилари ҳам шу куни меҳнат қўйинда бўладилар. Улар шанбаликда маҳсулотнинг анчагина қисмини тежалган ҳомашё ҳисобига ишлаб чиқаришади. Тушган иш ҳақи эса беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. ИСЛОМБОЕВА.

Оржоникидзеликлар тараддуди

Район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишчи-хизматчилари москвалик-ларнинг ватанпарварлик ташаббусига лаббай, деб жавоб бериб, меҳнат байрамида уюшқоқлик билан иштирок этишга аҳд қилдилар. Улар ўз иш жойларида бўлишади, ҳашарларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда иштирок этишади. Ишлаб топилган 600 сўмлик маблағ бешйиллик фондига ўтказилади.

Г. С. Зайцев номли пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги Бутуниттифоқ илмий текшириш институтида ҳам шанбалик куни қилинадиган ишлар белгилаб олинди. Шу куни институтда тўрт гектар ерга чигит экилиб, 130 сўмлик маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Қ. ЮЛДОШЕВ,
Қ. ҒУЛОМОВ.

БЕШ ЙИЛЛИКНИ ЗАРБДОРЛАРЧА БОШЛАЙЛИК

ТЕРМИЗ, 17 март. (ЎзТАГ). Сурхондарё область партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилиши КПСС XXVI съездининг якунларига ва область партия ташкилотининг съезд қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладидан келиб чиқадиган қондалар ва хулосаларни бажариш соҳасидаги вазифаларига бағишланди. Область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар — Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Тожиддинов, Ангор район партия комитетининг биринчи секретари К. Бозоров, Жарқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари И. Рустамов, Қумқўрғон районидаги «Қизил октябрь» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Мухторов, Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Э. Буриев, Денов ёғ-экстракция заводининг ишчиси Ю. Б. Ядринская, Шеробод шаҳридаги Макаренко номли мактаб ўқитувчиси З. Турднева, Шўрчи районидаги «Коммуна» колхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Р. Ҳайдаров, «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозининг директори Н. Раҳмонқулов бутун совет халқи сингари область механизаторлари ҳам партия XXVI съездининг тарихий қарорларини баланд руҳ билан кутиб олганликлари тўғрисида, сурхондарёликлар мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг партия белгилаб берган программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга шай эканликлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ўнинчи беш йиллик якунларини таҳлил қилиб, ҳали ҳам мавжуд камчиликларга катта эътибор бердилар, фойдаланилмаётган резервларни кўрсатиб ўтдилар, бу резервларнинг ишга туширишни ўн биринчи беш йилликда область олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беришини таъкидладилар. Ҳал қилиш лозим бўлган вазифалар эса жуда кўп. Иқтисодий ва социал ривожланиш планида саноат ишлаб чиқаришини, капитал қурилиш ҳажмини анча кўпайтириш кўзда тутилган. Шўрчи тегирмон комбинатининг бутун комплексини, Хўжакон конида туз қазиб чиқарадиган ва уни қайта ишлайдиган корхонани қуриш ва ишга тушириш, Бойсун кўмир конини ўзлаштиришга киришиш, Оқтепа сув омборини қуриб битказиш, бир қанча бошқа муҳим ирригация объектларини ишга тушириш белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида катта вазифалар турибди. Йиллик пахта етиштириш беш йиллик охирига борib 600 минг тоннага етказиш, яъни дон ҳосилини анча кўпайтириш, хўл мева ва сабзавот етиштиришни ошириш режалаштирилмоқда, гўшт ва сут етиштириш 1,8 баравар, тухум етиштириш 2,4 баравар кўпайтирилиши керак.

Ингичка толали пахта етиштириш Сурхондарё деҳқонларининг ҳозир ҳам асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу область шундай пахта етиштириш жиҳатидан республикада етакчи. мамлакатда энг йирик областлардан биридир. КПСС XXVI съездининг қарорларига жавобан йилига 300 минг тонна шундай пахта етиштиришдан иборат илгари белгиланган маррага беш йиллик охирида эмас, балки 1983 йилда эришиш мажбурияти қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигида белгиланган планларни муваффақиятли бажариш учун, деб таъкидланди йиғилишда, сугориладиган ерлардан, сувдан, ўғитдан, машина-механизмлардан ва бошқа моддий-техника ресурсларидан самаралироқ фойдаланишни таъминлаш зарур. Барвақт ҳосил олишга эришиш — пахтачиликдаги асосий вазифадир. Бунинг учун экишни барвақт муддатларда ўтказиш, ғўзаларни ўз вақтида ва юқори сифатли парвариш қилишни таъминлаш лозим. Донли ва озуқабоп экинлар учун ажратилган ерлардан самаралироқ фойдаланиш зарур. Тажриба шуни кўрсатдики, областнинг иқлим шароитларида ана шундай майдонлардан бир йилда иккинчи марта ҳосил олиш мумкин. Бу эса ем-хашак базасини анча кенгайтиришни таъминлайди. Бу — чорвачиликни янада тезроқ ривожлантириш негизидир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг образли қилиб айтганидек, чорвачилик ҳозирги вақтда қишлоқда зарбдор фронтдир. Ем-хашакни шундай миқдорда етиштириш керакки, у жамоат чорвачилигинигина эмас, шу билан бирга меҳнаткашлар шахсий хўжаликларидаги чорва ва паррандаларни боқиш учун ҳам тўла-тўкис етарли бўлсин.

Ҳозир область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳаётида масъулиятли палла бошланди. Асосий экин бўлган чигит экишга тайёргарлик тугай деб қолди. Экишни шундай ўтказиш керакки, шу йилнинг ўзида мўл ҳосил етиштириб шу тариқа ўн биринчи беш йилликни зарбдорларча бошлаб юбориш мумкин бўлсин. 1981 йил план ва мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришни таъминлаш — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг бурчидир. Бу эса ҲПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса бўлади.

Йиғилиш иштирокчилари хўжалик ва маданий қурилишнинг юксак вазифалари бутун ташкилотчилик ва идеология иши даражасини оширишни қатъий талаб қилаётганлигини таъкидладилар. КПСС XXVI съезди материалларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладидаги қондалар ва хулосаларни тушунтириш ишларини кенг авж олдириш — партия ташкилотларининг ғоят муҳим вазифасидир.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари область меҳнаткашлари партия съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида ва якунловчи нутқида баён этилган йўл-йўриқларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайрат, маҳоратларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирдилар.

Орженикидзеликлар тараддуди

Район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишчи-хизматчилари москвалик-ларнинг ватанпарварлик ташаббусига лаббай, деб жавоб бериб, меҳнат байрамида уюшқоқлик билан иштирок этишга аҳд қилдилар. Улар ўз иш жойларида бўлишади, ҳашарларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда иштирок этишади. Ишлаб топилган 600 сўмлик маблағ бешйиллик фондига ўтказилади.

Г. С. Зайцев номли пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги Бутуниттифоқ илмий текшириш институтида ҳам шанбалик куни қилинадиган ишлар белгилаб олинди. Шу куни институтда тўрт гектар ерга чигит экилиб, 130 сўмлик маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Қ. ЮЛДОШЕВ,
Қ. ҒУЛОМОВ.

ИСТЕЪДОД ВА ИЛҲОМИМИЗ— СЕВИКЛИ ВАТАНГА

Республика диёрига катта байрам — мамлакатимиз халқлари маданиятларининг кардошлиги байрами: Ўзбекистонда совет адабиёти кунлари байрами кириб келмоқда. Очиқ китоб устидаги олтин перо — мана шу кунларнинг нишони Тошкентни безаб турибди.

Адабиёт байрами тантаналн бошланиш арафасида Тошкентда СССР ёзувчилар союзи бадиий адабиётни пропаганда қилиш Бутуниттифоқ бюроси кенгашининг XIII пленуми очилди. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида бадиий адабиётни пропаганда қилиш вазифалари пленумнинг кун тартибига киритилган.

Республика ижодий союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов Ўзбекистон ёзувчилар ташкилоти номидан пленум иштирокчиларига табрик сўзи билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Госплан Раиси Қ. А. Аҳмедов пленум қатнашчиларини Ўзбекистонни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йилликка ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари билан таништирди.

СССР ёзувчилар союзи правленнесининг секретари Р. Ф. Казакова КПСС XXVI съезди қарорлари асосида бадиий адабиётни пропаганда қилиш вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Қизил байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов ва ёзувчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов ўз нутқларини ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига ҳамда бадиий адабиётни пропаганда қилиш масалаларига бағишладилар.

Пленум қатнашчилари ёзувчиларнинг Ўзбекистон диёридаги учрашуви мамлакатимиз коммунистларининг тарихий анжуманидан кейин ўтказилаётганлигини тўлқинланиб гапирдилар. Съезд делегатлари, миллион-миллион совет кишилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладини қалбларига жо қилиб олдилар. Докладда, съезд материалларида партия ёзувчиларнинг меҳнатига, санъаткорларнинг меҳнатига ғоят катта аҳамият бераётганлиги таъкидланган.

Кейинги беш йил мобайнида совет ёзувчиларининг интернационал отряди бир қанча талантли асарлар яратди. Ана шу асарларда ижодкор ва бунёдкор инсон, ер юзида энг ажойиб нарса — тинчлик учун курашчи инсон—совет киши-си кенг ва ғоят зўр куч билан тараннум этилди. Ана шу йилларда Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўрқ» китоблар жадабиёт ва санъатнинг ҳамма турларига жуда катта таъсир ўтказди. Мазкур асарлар совет жамиятининг маънавий ҳаётини бойитди, ҳамма авлодларга мансуб санъаткорларни ҳозирги замонни чуқурроқ тадқиқ этишга, яна ҳам юксакроқ бадиий умумлашмаларга илҳомлантирди.

Сўз усталари олдида жуда катта вазифалар турибди. Уларнинг партия ва халқ олдидаги масъулияти буюкдир. Социалистик давримиз ютуқларининг, замондошларимиз қаҳрамонона меҳнатининг бадиий йилномаси ҳозир яратилмоқда. XXVI съезд қарорлари билан қуролланган ёзувчилар ҳам, деб таъкидланди пленумда, коммунистик жамият барпо этаётган совет халқининг муваффақиятларини бадиий адабиёт воситалари билан пропаганда қилишни яна ҳам кўпроқ кучайтиришлари лозим.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Саттимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Машраб Сулаймонов «Госкомсельхозтехника»нинг Ўрта Чирчиқ район устахоналарида бирнеча йилдан бери ишлайди, нормасини доимо ошириб бажаради. Суратда: илғор слесарь М. Сулаймонов.

В. Сироткин фотоси.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙЛАБ

МАККАЖЎХОРИ-ЗОРЛАР КЕНГАЙДИ

ҚАШҚАДАРЁ областидаги янги Толимаржон район чўлқуварларига маккажўхори экиш учун атиги бир ҳафта керак бўлади, холос. «Дала маликаси» ўтган йилдагидан икки баравар кўп — 1500 гектар майдонга экилди. Ипатоволикларнинг техникадан унумли фойдаланишни таъминлаган методи ишларни жадал олиб боришга ёрдам берди. Уруғликлар яхши намланган ва ўғитланган тупроққа экилди. Бу эса барвақт ва мўл ҳосил олишга имкон беради.

Маккажўхори билан бир қаторда райондаги кўпгина майдонларга озуқабоп лавлаги уруғлиги ҳам экилди. Ҳамма жойда «Навбаҳор» совхозидаги Собир Толиёровнинг илғор бригадаси тажрибасидан фойдаланилди. Бу ерда экиш аниқ усулда олиб борилмоқда.

Район чўлқуварлари ёзда аралаштириб экилган майдоннинг ҳар гектаридан юз центнердан маккажўхори дони, 500 центнердан кўкпоя ва 400 центнердан илдиз мева олишни мўлжалламоқдалар.

(ЎзТАГ).

ПОСЕЛКА ОБОД БЎЛМОҚДА

● ПЕШКУ районидаги Абу Али ибн Сино номли колхоз раҳбарлиги ва партия ташкилоти В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини ўтказишнинг конкрет планини тузди. Шу куни янги Афшона посёлкасида маданият ва истироҳат боғи барпо этилади. Колхозчилар боғлар боғчаси территориясини ҳам кўкаламзорлаштиришга, иккита дала шийпонини ремонт қилиб беришга, йўлларни тартибга келтиришга қарор қилдилар. Шанбалик қатнашчиларига ёрдам учун автомашиналар, тракторлар, бульдозерлар ажратиб берилади.

ҚОРАҚЎЛЧИЛАРНИНГ АҲДИ

● ТОМДИ районида икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жабой Болимонов номли совхоз қорақўлчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликда қатнашишга қарор қилдилар. Хўжаликда тузилган штаб конкрет ишлар ҳажмини белгилади. 18 апрель куни Бухородаги қорақўлчилик заводига юзлаб қорақўл тери юборилади. Чорвачилик фермаларининг ходимлари ва совхоз посёлкалари аҳолиси мевали ва манзарали дарахтлар ўтказишда иштирок этадилар. 1500 сўм пул ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Ленин номли, «Авангард», «Мингбулоқ», совхозлари «Томди» давлат наслчилик заводи, райондаги бошқа хўжаликларнинг чорвадорлари ҳам «қизил шанбалик»ни зардоб меҳнат билан нишонлашга аҳд қилишди.

ДАЛАДА МЕҲНАТ БАЙРАМИ

● ФАРҒОНА областидаги Навоий номли колхоз меҳнаткашларидан бир минг икки юздан кўп киши коммунистик шанбаликда қатнашишга қарор қилди. Кўплаб колхозчилар 18 апрель куни далага чиқадилар, қолганлари эса чорвачилик комплекслари ва ремонт устахоналарида меҳнат қиладилар. Хўжалик меҳнаткашлари москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ленинча коммунистик шанбаликни энг юқори меҳнат унумдорлиги ва ишнинг юксак сифатига эришиш билан нишонлашга сўз бердилар.

Колхоз маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари ҳамда баҳорги ишлар билан шуғулланмайдиган бошқа ходимлар посёлка йўлларига ва қишлоқ кўчаларига беш минг туп мевали ва тут дарахти ўтказадилар. Колхоз правлениеси биноси олдида гулзор барпо этадилар. Пахтакорлар шу кунда тушган уч минг сўмдан кўп маблағни ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилишди.

ДЕЛЕГАТ СЪЕЗДДАН ҚАЙТДИ

Суратда: В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, КПСС XXVI съездининг делегати Нарзулла Маннопов ҳамкасблари даврасида съезд таассуротларини ҳикоя қилиб бермоқда.

А. Абалян фотоси.

МУКОФОТГА МУНОСИБ ИШЛАЙМИЗ

Корхонамиз ишчи-хизматчилари ўтган беш йилликни катта муваффақиятлар билан якунладилар. Учинчи беш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Пландан ташқари 2 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1980 йилнинг ўзида тайёрланган илғор маҳсулотнинг 44,5 проценти олий сифат категориясига топширилди.

КПСС XXVI съездини меҳнатда юксак ғалабаларга эришган ҳолда кутиб олишга астойдил бел боғлаган машинасозларимиз қувончли натижаларга эришдилар. Кўплаб меҳнат коллективлари съезд арафасида икки ойлик планларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Ўнлаб ишлаб чиқариш илғорларни шахсий квартал топшириқларини бажардилар. Съезд очиладиган кунгача корхонада пландан ташқари 15 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

ССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида шундай сатрлар бор: «Кўтариш-ташиш, ортиш-тушириш... ишларини механизациялаш ҳамда автоматлаштириш воситаларини тайёрлаш бўйича қувватларни ривожлантириш тезлаштирилсин».

Бу бевосита бизнинг ҳам олдимизга қўйилган вазифа деб биламиз. Уларнинг бажарилиши эса халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида юк ортиш ёки тушириш билан боғлиқ бўлган меҳнат унумдорлигининг ўсишини белгилайди. Шунинг учун машинасозларимиз съездлар йилини зарбдорчасига якунлаш ниятида социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Кўплаб қуйи коллективлар, цех ва бригадалар зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Механика цехининг токари Виктор Бочков, ака-ука Дмитрий ва Михаил Кравцовлар ва бошқа мусобақа пешқадамларининг бугун ҳамма ишлаб чиқариш зарбдорлари сифатида яхши танийди. Илғорларимиз бошқаларни ҳам зарбдорларча меҳнат қилишга даъват этмоқдалар.

Съездлар йилида машинасозларимиз халқ хўжалиги учун 10 миллион 950 минг сўмлик маҳсулот етказиб берадилар. Йил охиригача 1500 дона кўтарма кран ишлаб чиқарилади. Шунинг диққатга сазоворки, ялпи маҳсулотнинг деярли 50 проценти давлат Сифат белгиси билан тайёрланади.

Куни кеча СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан бирлашмамиз «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Бу эса партия ва ҳукуматимиз томонидан ишимизга берилган юксак баҳодир. Шу муносабат билан митинг бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан ишчилар бу мукофотдан руҳланиб, йилни янада катта ғалабаларга қўлга киритган ҳолда якунлаш ниятиёқида эканликларини билдирдилар.

Т. ҲОЛМУРОДОВ,
«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ЎҚУВИ

СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБЛАСТЬ партия комитетининг Сиёсий маориф уйида шу кунларда область ва Тошкент шаҳридаги назарий семинарлар, раҳбарлари ва пропагандистларининг семинарлари давом этмоқда.

Семинар иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладини ҳамда партия XXVI съездининг бошқа материаллари юзасидан партия ўқуви машғулотларини ўтказиш юзасидан лекциялар тингламоқдалар, методик кўрсатмалар олмоқдалар.

Назарий семинарлар пропагандистларининг ўқувида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг лектори Қ. Юсуфалиев, халқ хўжалиги институти проректори, иқтисод фанлари доктори Э. Акрамов, ЎзССР Фанлар Академияси сектор мудирлари, иқтисод фанлари кандидати Р. Досумов ва В. Галкин, ЎзССР Госплани ҳузуридаги иқтисодий тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати В. Ким ва бошқалар лекциялар ўқимоқдалар.

Шунингдек, областимизнинг шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги сиёсий маориф уйлари ва кабинетларида сиёсий ўқув бошлангич ва ўрта звеноси пропагандистлари учун КПСС XXVI съезди тарихий ҳужжатларини ўрганиш юзасидан семинарлар ўтказилиб, тегишли методик маслаҳатлар берилмоқда.

И. СУЛТОНОВ.

КОММУНИСТЛАР ТАКЛИФИ АМАЛДА

...Ҳисобот докладини муҳокама қилишда биринчи бўлиб сўзни партия группаси ташкилотчиси Т. Болибоева олди.

— Корхонамиз тайёрлаб чиқаётган маҳсулотлар ҳили ва салмоғи йил сайин кўпайиб боряпти, — деди у. — Кунига эл дастурхонига ўрта ҳисобда 23 тоннадан ошириб маҳсулот етказиб бермоқдамиз. Бу кўрсаткич бизни қувонтиради. Лекин маҳсулот сифатига келганда кўнглимиз тўлмаяпти. Электротехника режими тез-тез бузилиб турганлиги учун ҳам олий категориядаги маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўсмаяпти. Янги сайланадиган состав сифат масаласига кўпроқ эътибор бериши керак.

Т. Болибоеванинг таклифини илғор ишчи Н. Тришчев ҳам қўллаб-қувватлади.

— Ялпи маҳсулотда олий категориядаги маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш биринчи галдаги вазифадир, — деди у. — Бунинг учун ҳар бир участкада коммунистлар масъулиятини ошириш керак. Шу ўринда комсомолёшлар ҳисобига коммунистлар сафини янада кенгайтириш устида ҳам ўйлаб кўриш керак. Кейинги пайтларда партия сафларини ўстиришга етарлича эътибор берилмаяпти...

Экспериментал-колбаса заводи коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилиши тугаши билан партбюро мажлиси бўлиб ўтди. Коммунистлар билдирган танқидий мулоҳазалар мажлисда умумлаштирилиб, бюро аъзолари зиммасига конкрет вазифалар юкланди. Танқидий фикр ва мулоҳазаларни амалга ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўшандан кейин орадан уч ой вақт ўтди.

— Навбатдаги партия йиғилишида ҳисобот-сайлов кампанияси даврида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар қандай бажарилаётганлиги ҳақида коммунистлар олдида ҳисоб берсак қандай бўлар экан? — деди бюро мажлисида завод партбюро секретари Тургун Муҳиддинов.

Бу таклиф бошқаларга ҳам маъқул тушди. Шу тариқа навбатдаги йиғилишнинг кун тартиби белгиланди.

Йиғилиш жонли ўтди. Докладчи партбюро секретари Т. Муҳиддинов ҳисобот-сайлов йиғилишидан кейинги даврда амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил тўхталди. Бюро аъзолари активларга таяниб, белгиланган тадбирларни қисқа вақт ичида тўла-тўкис амалга оширишган эди. Ҳозир ялпи маҳсулотда олий категориядаги маҳсулотлар салмоғи салкам 25 процентни ташкил этяпти. Энергетика ва хомашё таъминотидаги узилишларга барҳам берилди. Автоматик линияларнинг барчаси бир маромда ишлаб турибди.

Партбюро аъзолари олиб борган катта ташкилотчилик ва тушунтириш ишлари натижасида сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотларида тингловчилар активлиги яна ҳам ортди. Машғулотлар ишлаб чиқаришдаги вазифаларга боғлаб олиб бориладиган бўлди. Суҳбатларда партиянинг сиёсий ва иқтисодий масалаларини ҳал этишдаги фаолияти жонли мисолларда ифодалаб берилмоқда. Ҳар бир соҳада коммунистлар активлиги ошиб бормоқда. Коммунист бўлиш истаги билан яшаётган ёшлар сафи ҳам тобора кенгаймоқда. Ҳисобот-сайлов йиғилишидан кейинги даврда ёш ишчилардан М. Қорахўжаев, В. Ешментьев, А. Ниёзий партия аъзолигига кандидатликка қабул қилиндилар. Улар ҳозир кандидатлик муддатини шараф билан ўтамоқдалар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КПСС XXVI съезди очилган куни корхонада катта митинг бўлиб ўтди. Ўша куни С. Арслонов, В. Тришчев, С. Мироненко ва В. Гутушкин ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари квартал плани бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Пешқадамлар орасида партия аъзолигига кандидатлар ҳам бор эди. Митингда сўзга чиққан коммунистлар съезд шарафига бошланган зарбдор вахтани йил бўйи давом эттиришга ва қўшимча 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга барчани даъват этдилар.

Шаҳардаги бошқа корхоналар коммунистлари ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган қимматли таклифлар билан чиққан эдилар.

— Бу таклифларнинг ҳаммасини умумлаштириб, уларни бажариш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқканмиз, — дейди Янгийўл шаҳар партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири Георгий Сергеевич Салмин. — Группалар, цех ва бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳамда шаҳар партия конференциясида 500 дан ортиқ таклиф ва мулоҳаза тушди. Буларнинг 400 га яқини ҳозиргача тўла амалга оширилди.

Бўлим коммунистларнинг танқидий фикр ва мулоҳазалари қандай бажарилаётганлигини қаттиқ назорат остига олган. Ўтган ойда шу масалада бўлимда кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда пойафзал, мебель фабрикалари, ун заводи партия ташкилотларининг ҳисоботлари тингланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида кўпгина мулоҳазали таклифлар шу корхоналарда туғилган эди. Мебель фабрикаси ишчиси В. Лебедев ўшанда партия сафларини кенгайтириш устида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини уқтирди. Йиғилишдан сўнг бу масала билан конкрет шуғулланиш партбюро аъзоси М. Ботирбековага топширилди. Февраль ойи бошларида бўлиб ўтган партбюронинг навбатдаги мажлисида М. Ботирбекова бажарилган ишлар ҳақида ҳисоб берди. Қисқа вақт ичида комсомоллардан уч киши партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинган эди. Ҳозир ёш коммунистлар тарбияси устида алоҳида қайғурилмоқда. Улар сиёсий машғулотларда актив иштирок этмоқдалар, ветеранлар ёрдамида ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Ёг-мой комбинати партия ташкилоти ҳам коммунистлар таклифини амалга оширишга алоҳида эътибор беряпти. Йиғилишларнинг бирида коммунистлар маҳсулот сифатини яхшилаш зарурлигини уқтиришган эди. Шундан сўнг мутахассислар йиғилиши бўлиб, сифат устидан алоҳида назорат ўрнатилди. Халқ назоратчилари цехлар бўйлаб икки марта оммавий рейд ўтказишди. Улар аниқлаган таклифлар партбюрода муҳокама қилиниб, браккa йўл қўйганларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Ҳозирги кунда ҳам сифат ва самарадорлик учун кураш партбюронинг диққат марказида турибди.

Коммунистларнинг қимматли таклиф ва мулоҳазалари ўз вақтида амалга оширилаётганлиги учун ҳам шаҳар корхоналари ой сайин қувончли натижаларга эришмоқдалар. Шаҳарда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ниҳи ойлик топшириғи муваффақиятли бажарилди. Барча меҳнат коллективлари КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланиб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида янада самаралироқ меҳнат қилишга интилмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ.

МУВАФФАҚИЯТНИ МУСТАҲКАМЛАБ

ЗАВОДИМИЗДА тайёрланаётган қудратли тракторлар Иттифоқимизнинг барча пахтакор республикаларида яхши танищ. Улар хўжаликларда деҳқоннинг оғир қўл меҳнатини енгиллаштириб келмоқда.

Заводимиз ўтган 1980 йилнинг тўртинчи квартали якунларига кўра Иттифоқимиздаги турдош корхоналар ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Бу эса барча тракторсозларимизнинг ишчанлиги, меҳнатсеварлиги ва изланувчанлигига берилган юксак баҳодир.

Корхона ишчи-хизматчилари қўлга киритилган муваффақиятлар билан кифояланмадилар. Айни кунларда заводда янада ижс олган социалистик мусобақа шундан далолат бериб турибди. Мусобақада пешқадамлар сафида бораётган Виктор Савельев, Сергей Егоров, Валерий Русаков, Вилямин Вавилин бошчилигидаги бригадалар 1981 йилда янада юксак марраларни кўзлаб кунлик нормаларини муттасам эшдаси билан бажариб келмоқдалар.

Р. РАЗЗОҚОВ,
Тошкент трактор заводи ишчиси.

ПАРИЖ КОММУНАСИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

ПРОЛЕТАР РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ БИРИНЧИ ЧАҚМОҒИ

Шу кунларда совет халқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари оммаси, бутун тараққийпарвар инсоният Париж Коммунасининг шонли 110 йиллигини кенг нишонламоқдалар.

Совет кишилари бу тарихий воқеани КПСС XXVI съезди қарорларини зўр кўтаринкилик билан амалга оширишга киришган ҳолда кутиб олмоқдалар. Етук социалистик жамиятнинг олам-шумул ғалабалари, ёркин келажак истиқболлари тарихда биринчи пролетар революцияси — Париж Коммунаси ўлмас идеалларининг ҳам ҳаётбахш кучини тобора яққол намоён қилмоқда.

Бундан 110 йил муқаддам қўзғолон кўтарган Париж пролетариати биринчи бўлиб капитализмга жиддий зарба берди. Францияда буржуа ҳокимиятини ағдариб ташлади, Париж Коммунасини барпо этди.

Бу ҳукумат 72 кун яшади. Аммо, унинг тарихий сабоқлари ҳалқаро ишчилар синфи революцион ҳаракатининг юксалишига самарали таъсир кўрсатди.

«1871 йилда пролетар революциясининг биринчи чақмоғи планета уфқини ярқиратиб юборди. Париж Коммунасининг қизил байроғи кўтарилди. Коммунарлар мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам лекин улар рўёбга чиқариш учун жанг қилган ишни енгиш мумкин эмас эди» (Л. И. Брежнев).

Шу тариқа, кишилик жамияти тарихида буюк тарихий воқеа содир бўлди: Парижда сиёсий ҳокимият ишчилар ва ҳунармандлар сайлаб қўйган Миллий гвардия Марказий Комитетининг қўлига ўтди. 26 мартда умумий овоз бериш йўли билан Коммуна Советига сайлов ўтказилди. Сайловга қарийб 230 минг киши қатнашди. Янги ҳокимият раҳбарлигига ўилаб ишчилар, шаҳар камбағаллари, меҳнаткаш интеллигенция вакиллари сайланди.

Париж Коммунасининг бутун тарихий иши — эксплуататор синфлар вужудга келтирган «бюрократик — ҳарбий давлат машинасини синдириш» (Маркс) ва пролетариат диктатураси ўрнатиш йўлида ишчилар синфининг биринчи уриниши эди. К. Маркс 1871 йилнинг 12 апрелида ёзган эди: «Бюрократик ҳарбий машинани ҳозирга қадар бўлиб келганидек, бир қўлдан иккинчи қўлга бериш керак эмас, балки уни синдириш керак ва континентдаги ҳар қандай чинакам халқ революциясининг дастлабки шарти худди ана шундай бўлмоғи керак. Бизнинг ҳақрамон парижлик ўртоқларимизнинг уринишп ҳам худди ана шундан иборат».

Дарҳақиқат, Маркс уқдириб айтганидек, Коммуна синфий ҳукмронликнинг монархистик формасинигина эмас, балки синфий ҳукмронликнинг ўзини ҳам йўқ қилишга қодир бўлган республиканинг белгили формаси эди.

Доимий қўшинни йўқ қилиш ва уни қуролланган халқ билан алмаштириш тўғрисидаги декрет Коммунанинг биринчи декрети бўлди. Коммуна эски полиция маҳкамаларини тугатди, бу ишни миллий гвардиячиларга топширди. Коммуна черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратди. Кўпгина черков ҳамда монастирлар халқ клубларига айлантирилди. Меҳнаткашлар учун текин ўқиш амалга оширилди. Мактаблардан руҳоний-монахлар четлантирилиб, ўқиш, ўқитиш қайта ташкил қилинди ва уларда дунёвий фанлар ўқитила бошлади. Дастлабки профессионал мактаблар ташкил қилиниб, уларда таълим-тарбия билан бирга ҳунар ҳам ўргатила бошлади. Ўқитувчилар ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиниб, уларнинг иш ҳақи оширилди.

Коммунанинг буюк ишларидан бири шу бўлдики, у сайлаб қўйиш принципини, барча мансабдорларнинг жавобгарлиги, уларнинг истаган вақтда алмаштирилиш принципини эълон қилди. Мансабдорлар ўз ишлари тўғрисида халқ олдида ҳисоб бериб туришлари жорий этилди. Давлат хизматчилари ишчиларнинг ўртача иш ҳақи баравари маош олиб турищлари белгиланди. Коммуна буржуа парламентаризмини бекор қилди.

Коммуна ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини мудофаа қилиш тўғрисида ҳам бир неча декрет чиқарди. Маоши кам ишчиларнинг иш ҳақи оширилди, 8 соатлик иш куни белгиланди. Ишсизлар учун жамоат ишхоналари ташкил қилинди, квартира ҳақи тўлаш муддати узайтирилди. Коммуна ишлаб чиқариш устидан контроллик ўрнатишга киришиб, Версалга қочиб кетган капиталистларнинг саноат корхоналарини ишчи коллективларига топширди.

Париж Коммунаси Советлар республикасининг илк куртаги эди. Совет ҳокимияти унинг ривожланиши ва камолотга етказилиши бўлди. Коммуна ижтимоий соҳада кўп иш қила олмади, аммо унинг бу соҳадаги озгина иши ҳам Коммунанинг халқ ҳукумати, ишчилар ҳукумати эканини яққол намойиш қилиб кўрсатди.

Францияниг кенг халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилган Коммуна ўз мазмуни билан буюк интернационал руҳдаги ҳаракат ҳам эди. Унинг составида илғор демократлар, социалистлар ҳамда руслар, поляклар, бельгияликлар, итальянлар ва бошқа миллат меҳнаткашларининг вакиллари бор эди.

Париж Коммунаси, Ф. Энгельс айтганидек, «ҳеч шубҳасиз интернационалнинг маънавий фарзанди эди». Париж пролетариати ғалаба қозониши биланоқ К. Маркс билан Ф. Энгельс бошчилигидаги I Интернационалнинг Бош кенгаши Коммуна билан алоқа боғлади ва унинг раҳбарлигига йўл-йўриқ ва оқилона маслаҳатлар бериб турди. Коммуна ғалабасининг тўртинчи куни — 1871 йил 21 мартда Бош Совет 18 март революциясининг ғалабаси ҳақида Ф. Энгельснинг ахборотини эшитди ва муҳокама қилди. Шундан кейинроқ Бош Совет аъзоси О. Серрайе Интернационалнинг Париж секцияси билан яқиндан алоқа боғлаб, Коммунанинг фаолияти ва аҳволи ҳақида К. Марксга ахборотлар юбориб турди. Айни вақтда К. Маркс I Интернационал Бош Советининг аъзолари Е. Дмитриева, П. Лавров, немис коммерсанти Н. Эйла ва эмигрант Р. Рейнгард ҳамда ўша вақтда Бордо шаҳрида истиқомат қилиб турган қизи Лаура ва куёви П. Лафарглар орқали коммунарлар билан доим фаол алоқада бўлиб турди. К. Марксниг ўзасиз интернационалнинг маънавий фарзанди эди». Париж пролетариати ғалаба қозониши биланоқ К. Маркс билан Ф. Энгельс бошчилигидаги I Интернационалнинг Бош кенгаши Коммуна билан алоқа боғлади ва унинг раҳбарлигига йўл-йўриқ ва оқилона маслаҳатлар бериб турди. Коммуна ғалабасининг тўртинчи куни — 1871 йил 21 мартда Бош Совет 18 март революциясининг ғалабаси ҳақида Ф. Энгельснинг ахборотини эшитди ва муҳокама қилди. Шундан кейинроқ Бош Совет аъзоси О. Серрайе Интернационалнинг Париж секцияси билан яқиндан алоқа боғлаб, Коммунанинг фаолияти ва аҳволи ҳақида К. Марксга ахборотлар юборib турди. Айни вақтда К. Маркс I Интернационал Бош Советининг аъзолари Е. Дмитриева, П. Лавров, немис коммерсанти Н. Эйла ва эмигрант Р. Рейнгард ҳамда ўша вақтда Бордо шаҳрида истиқомат қилиб турган қизи Лаура ва куёви П. Лафарглар орқали коммунарлар билан доим фаол алоқада бўлиб турди. К. Марксниг ўзасиз интернационалнинг маънавий фарзанди эди». Унинг составида илғор демократлар, социалистлар ҳамда руслар, поляклар, бельгияликлар, итальянлар ва бошқа миллат меҳнаткашларининг вакиллари бор эди.

Пролетариатнинг бу тарихий курашида хотин-қизлар, аскарлар ва болалар ҳам фидокорона қатнашдилар. Улар кўп сонли душманга қарши курашда ҳалок бўлсалар ҳам, таслим бўлмадилар. Контрреволюцион буржуазия немис қўшинлари билан биргаликда ишчиларни қонга ботиришга муваффақ бўлди. Буржуазия Париж ишчиларидан шафқатсиз ўч олди. Ҳаммаси бўлиб, қарийб 100 минг киши реакция қурбони бўлди: 30 минг коммунар отиб ташланди, 40 мингдан кўпроқ коммунар, шулардан 1.725 чет эллик қамоққа олинди. 15 минг киши оғир қийноқларга бардош беролмай ҳалок бўлди.

К. Маркс билан Ф. Энгельс бу мағлубият сабабларини ҳам кўрсатиб бердилар. Бинобарин, Коммуна мағлубиятининг қатор сабаблари — **биринчидан**, ўша вақтда француз пролетариатининг етарли сиёсий-ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар-революцион тажрибага эга бўлмаганлиги билан изоҳланади. К. Маркс 18 март кўзғолонидан анча илгариёқ Париж пролетариатини муддатидан олдин бош кўтаришга қарши огоҳлантирган эди. **Иккинчидан**, Коммуна мағлубиятининг сабаби, капитал қўлларига қарши курашда француз ишчилар синфи ўзининг бир бутун, ягона революцион партиясига эга бўлмаганлиги билан изоҳланади. Ҳақиқатда, Коммуна раҳбарлиги революцион курашга тўғри ва изчил раҳбарлик қилишга қодир бўлмаган икки партия: бланкистлар ва прудончилар партиялари қўлида эди. Шу боисдан, К. Маркс дастлаб Францияда революцион курашни тайёрлаш ва унга етакчилик қилишга қодир бўлган ягона, бир бутун пролетар партияси тузишни қаттиқ талаб қилган эди. **Учинчидан** Коммуна 18 март ғалабасидан етарли ва охиригача фойдалана олмади, бинобарин Коммуна ўзини қатъий ҳимоя қилиш, бунинг учун эса контрреволюция қолдиқларини батамом йўқ қилиш революция ғалабасининг ғоят муҳим шарти эканлигини чуқур англаб етмади. У Версаль буржуа контрреволюциясига қарши дарҳол ҳужум қилиш ўрнига пассив мудофаа тактикасини қўллади. **Тўртинчидан**, у деҳқонлар билан яқинлашишга, улар билан алоқа боғлашга интилди-ю, бироқ, ишчилар синфи билан камбағал деҳқонлар ўртасида иттифоқ ўрнатишга муваффақ бўла олмади.

К. Маркс ўзининг «Францияда гражданлар уруши» деган асарида Париж Коммунасининг ғалабаси ва мағлубиятининг сабабларини чуқур илмий тахлил қилди, унинг тарихий тажрибаси буюк аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

В. И. Ленин ёзганидек: «Маркс... «осмонни штурм қилган» коммунарларнинг қаҳрамонлигидан чексиз даражада хурсанд бўлибгина қолмади. У оммавий революцион ҳаракатда, гарчи бу ҳаракат мақсадга эришмаган бўлса ҳам, жуда катта аҳамиятга эга бўлган тарихий тажриба борлигини, бутун дунё пролетар революциясининг олдинга қараб маълум қадам қўйганини, юзларча программа ва муҳокамаларга қараганда муҳимроқ бўлган амалий қадам қўйганини кўрди».

Жамият тараққиётининг бутун жараёни Париж Коммунаси, сўнг эса Улуғ Октябрь бошлаб берган улуғ ишнинг жаҳон миқёсида тобора тантана қилиб бораётганлигини яққол кўрсатмоқда.

Бутун дунёда ишчилар синфининг революцион кураши, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги халқларнинг империализм ва мустамлакачилик реакциясига қарши озодлик ҳаракати янада янги юксак босқичга кўтарилди. Бу ҳаракат Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги бир қанча мамлакатларда катта муваффақиятларга эришди.

З. ИСАМУҲАМЕДОВ,
доцент.

Суратда: Париж Коммунаси кунлари. ТАСС фотохроникаси.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

Бўка районидаги «Ленинобод» колхози правленнеси ва партия комитети съезд қарорларини чуқур таҳлил қилиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида баён этилган қоида ва хулосалар асосида 1981 йил вазифаларини белгилаб олмоқдалар, ўн биринчи беш йилликнинг истиқбол режаларини тузмоқдалар.

БОШ ВАЗИФА

Хўжа НОСИРОВ,
колхоз правленнеси раиси.

Биз коллектив хўжалигини бошқаришда партиямизнинг ленинча аграр сиёсатига тўла амал қилиб, колхоз экономикасини мустаҳкамлаш билан бирга ҳар бир дала меҳнаткашининг тобора кўпроқ даромад олиб, тўкин-сочинликда яшаши тўғрисида қайғурмоқдамиз. Кейинги йилларда бу соҳада амалга оширилаётган конкрет тадбирлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Далада жон куйдириб ҳалол ишлаётганлар шунга яраша мўмай даромад олаётганликларини амалда кўриб турган ҳар бир колхозчининг меҳнат активлиги ошиб бормоқда.

Натижада, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги йилдан йилга юксалаётир. Агар 1975 йилда ҳар гектар пахта майдонидан 28,8 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1980 йилга келиб 42,7 центнерга етди.

Ҳосилдорлик юксалиб боргани сари меҳнатга тўланаётган иш ҳақи, мукофот учун ажратилаётган маблағлар миқдори қўпайяпти. Ўтган йили колхозчиларимиз ўз бўйи олган ҳар бир сўмларига 1 сўм 50 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар. Юқори ҳосилли бригадаларда эса 2,5 сўмга тўғри келди.

Ўн биринчи беш йилликда колхоз хазинасини янада бойитиш мақсадида асосий эътиборни бир центнер пахта етиштириш учун сарфланадиган ҳаражатларни камайтиришга, таннархни арзонлаштиришга қаратамиз. Бунга эришиш учун ички резерв ва имкониятлар оз эмас. Масалан, ўтган йили ҳар бир центнер пахта етиштириш учун колхоз бўйича 12 сўм 38 тийин иш ҳақи сарфлангани ҳолда баъзи бригадаларда 15—20 сўмга етди. Ана шу тафовутларни тугатиш бизнинг бу йилги вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

«Ўз-ўзидан маълумки, — деди КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган докладида. — механизаторлар турмуш фаровонлигини оширилиши пул даромадларининг ўсиши билангина чекланиб қолмайди». Бу сўзлардан кўриниб турибдики, партия аҳолининг маданий-маиший ва меҳнат шароитларини ҳам тубдан яхшилашни назарда тутмоқда.

Колхоз правленнеси ва партия комитети 1981 йилда ва ўн биринчи беш йиллик давомида хўжалик территориясида қуриладиган маданий-маиший объектлар планини ишлаб чиқишга киришган.

Шу йилнинг ўзида қишлоқ мактабига олиб борадиган йўллар асфальтланади. Колхоз марказида замонавий чойхона, гўшт дўкони қуриб ишга туширилади. 1982 йилга бориб эса 700 ўринли ўрта мактаб ва колхоз клубини қуриб битказиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари 1985 йилларга бориб хўжалик экономикасини мустаҳкамлаб олиш ва колхозчилар учун шинам уй-жойлар қуриб беришга киришиш режалари тузилмоқда.

Колхозимизни ҳамма соҳаларда кенг ривожланган иқтисодий бақувват хўжаликлар қаторига олиб чиқиш ўн биринчи беш йилликда амалга оширишимиз лозим бўлган бош вазифамиздир.

ИККИ ОМИЛ

Ортиқмат ТУРДИМАТОВ,
колхоз бош агрономи.

Пахтачилик — колхозимиздаги асосий тармоқ. Йиллик соф даромаднинг 90 процентини пахтачиликдан олинаётир. Демак, биз хўжалик экономикасини мустаҳкамлаш учун, аввало, пахтачиликни интенсив ривожлантиришимиз керак. Бу вазифа, асосан, икки йўналишда ҳал этилади. Биринчи омил пахта майдонини имконият даражасида йил сайин кенгайтириб боришдир.

Ўтган беш йилликда 85 гектар ташландиқ ер бульдозерлар ёрдамида суриб текисланиб, деҳқончилик оборотига киритилди. Бу йил яна қир ерлардан 55 гектари ўзлаштирилиб, пахта экиш учун тайёрлаб қўйилди. Шу тадбирларнинг ўзи бир йилда қўшимча 500—600 тонна пахта олиш имконини беради.

Иккинчи, яъни асосий омил ҳосилдорликни оширишдир. Бунда ер, тупроқ ва иқлим шароитига қараб ғўза навини тўғри танлай билиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу йил 50 гектар майдонга янги ихтиро қилинган «Тошкент-6» нав чигит экиб, синаб кўрмоқчимиз. Олимларимиз бу навнинг ўзига хос афзалликлари борлигини амалда исботлаб бердилар. Биз учун маъқул бўлган асосий хусусияти шундаки, у «Тошкент-1» навига нисбатан 10—13 кун барвақт пишиб етилишидан ташқари ҳар гектар майдонда 120—125 минг туп кўчат қолдирилса, ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлади. Шунингдек, янги нав ғўза машина теримига жуда мос бўлиб ўсади.

Ерларимиз баланд-паст бўлганлиги учун эрта баҳорда чизель қилинмай, фақат бороналаб, чигит экаверамиз.

Колхозимизда ҳосил тақдири сувчи ва механизаторларнинг касб маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сабаби, ҳар бир картанинг ўз шароитига қараб, сув турли усулларда таралади. Шундай ерлар борки, бутун вегетация даврида ғўза 3—4 марта сув ичса кифоя қилади. Айрим карталарга эса, мўлжалдаги ҳосилни олиш учун, ҳатто 7 мартагача сув тарашга тўғри келади.

Шароит мураккаб бўлганлиги учун сувчиларимиз механизаторлар билан ҳамкорликда ҳаракат қиладилар. Кўп сув талаб қиладиган ғўзаларга тинимсиз ишлов беришга тўғри келади. Чунки ҳар сувдан сўнг культивация қилиниб, тупроқ юмшатилмаса, сувнинг самараси кам бўлади.

Хўжалигимиз 350 гектар пахта майдонига фақат насослар ёрдамида сув чиқарилади. Ғўзаларни сувга қондириш учун ҳар йили 9 та насос ишлатилади. Ҳозир шу насосларнинг ҳаммаси ремонт қилиб қўйилди.

Яқинда область пахтакорлар советининг чигит экиш мавсумига тез ва соз тайёргарлик кўриш ҳамда уни қисқа муддатларда сифатли ўтказиш юзасидан тавсияларни эълон қилинди. Биз бундан буёнги ишимизда ана шу қимматли тавсияларга амал қилиб, чигитни бир ҳафтадан кечиктирмай экиб оламиз.

ЧОРВАГА — ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Назир ЭРГАШЕВ,
чорвачилик фермаси мудири.

Мақсадимиз пахтачиликда қандай нтуқларга эришилаётган бўлса, қишлоқдаги зарблор фронт чорвачилиги ҳам ана шундай юксак даражага кўтаришдир. Аммо, бунинг учун ҳали жуда кўп ишлар қилишимиз керак бўлади.

Биринчи галда мол туёғини кўпайтиришга киришганмиз. Районимиздаги «Октябрь 40 йиллиги» ва Ильич номли колхозлардан жами 70 бош қора-ола зотли сермаҳсул ғунажинлар сотиб олинди.

Фермада қорамоллар сони кўпайган сари озуқага бўлган талаб ҳам ортиб бораяпти. Шунинг учун ем-хашак экинларк ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш ҳисобига рационни бойитишимиз, тўйимли қилишимиз мумкин. Ҳозирданоқ шуни қатъий айта оламизки, бу соҳада жадал силжишга эришганмиз. Масалан, ўтинчи беш йилликда эски бедазорлар ҳосилдорлиги 150 центнердан 220 центнерга кўтарилди. Силос учун экилаётган маккажўхори ҳосилдорлиги эса беш йил ичида 220 центнер ошиб, 550 центнерга етди.

Бироқ, силос учун экилаётган маккажўхори ҳосилдорлиги бизни қаноатлантирмаяпти. Чунки, қиш ойларида ҳам соғин сигирларнинг ёздагидек кўп сут бериши мана шу шарели озуқанинг мўл ва сифатли бўлишига боғлиқдир. Шуни назарда тутиб, ҳозир ҳар гектар майдондан иложи борича кўпроқ кўк масса йиғиштириб олиш йўлларини излаяпмиз.

Биз 1981 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдик. Ҳар бош сигирдан пландаги 2800 килограмм ўрнига 3400 килограммдан сут соғиб олиб, шу йилнинг ўзидаёқ район ва область даражасига етиб олиш - фермамиз коллективининг қатъий қароридир.

* * *

КОЛХОЗ пахтакорлари 1981 йил учун оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. 780 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 45 центнердан хирмон кўтарилади. 15 та «зангори кема» йиғим-терим мавсумида юксак унум билан ишлатилиб, етиштирилган жами ҳосилнинг 90 процентга пўлат этаклардан тўкилади.

Бу йил хўжаликда 50 центнерчилар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Ўтган йили ҳосилдорликни 52 центнерга етказган Иноабат Хожибекова бошлиқ бригада сафига Узоқ Саидов ва Асатулла Ўроловлар раҳбарлик қилаётган коллективлар ҳам қўшилишга қатъий аҳд қилишган. Айни кунларда колхоз далаларида кўклами дала ишлари қизғин бошлаб юборилган.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Ленин номли колхозининг цитрусчиси Зайниддин Фахриддинов бошчилик қилаётган теплица хўжалиги коллективи бир неча йилдирки республикамизнинг турли хўжаликларига лимон кўчати етказиб бермоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида улар 28 минг дона цитрус кўчати тайёрлашга аҳд қилишган. Шу кунларда хўжаликда лимон кўчатлари парвариши уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Суратда: ёш цитрусчилар Муҳаммадазим, Оловиддин Фахриддинов кўчатларни кўздан кечиришмоқда.
Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

БАЛЛИ, ТОШТАРОШЛАР!

Ғазалкент тоштарошлик комбинати коллективи 1980 йил ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли якунлади. Ишлаб чиқаришдаги юқори кўрсаткичлари учун комбинат республика социалистик мусобақаси ғолиби деб топилди ҳамда коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Коллектив ишчи-хизматчилари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини ҳам яхши бошлашди. Икки ойлик план барвақт адо этилди. Тоштарошлар йил бошидан бери 1 миллион 360 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. 1 миллион 312 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу эса белгиланганидан анча кўпдир.

И. ПИРМАТОВ,
Қ. ҒУЛОМОВ.

Дунё овози

МУҲИМ ҒАЛАБА

САН-ХОСЕ, 16 март. (ТАСС). Коста-Рика халқи муҳим ғалабага эришди. Бу ерда маълум бўлишича, Пентагон марказий Америкадаги ана шу республиканинг Лимон ва Пунтаренас портларига қарши ҳарбий денгиз кучлари кемалари, жанговар самолётлар ва вертолётлар юбориш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилди. Жамоатчилик кенг доираларининг норозилиги натижасида Коста-Рика қироли чиқарувчи мажлиси Америка кемаларининг мамлакат портларига киришини ва самолётларининг Коста-Рика аэродромига қўнишини тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин, Пентагон ана шундай қилишга мажбур бўлди.

Жумладан, «Жозефас даниэлс» ракета крейсери, «Шпигель гровер» десант кемаси Коста-Рика портларига кирипти, жанговар самолётлар ва вертолётлар пойтахтдаги «Хуан Санта-Мария» аэродромига қўниши лозим эди. Коста-Рика соҳилларида машқлар ўтказиш режалаштирилганди. АҚШ Коста-Рикани марказий Америкада режалаштираётган ҳарбий авантюралар учун плацдармга айлантириш ниятида эди.

Касаба союзлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий ва маданият арбоблари, депутатлар ана шу агрессив режаларга қарши қатъий норозилик билдирдилар.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасида саводсизликка қарши кураш кенгайиб бормоқда. Аҳолининг 90 процентидан кўпи ўқиш ва ёзишни билмаган бу мамлакатда махсус ташкил этилган миллий бошқарма бу проблемани ҳал этиш билан шуғулланмоқда. Миллий бошқарма ўтмишнинг ана шу оғир меросини тезликда тугатиш мақсадида партия ва жамоат ташкилотларининг, корхоналар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Ҳозирги вақтда республикада 22 мингдан зиёд саводсизликни тугатиш курси ишлаб турибди. Бу курсларнинг машғулотларига 520 мингдан ортиқ киши қатнашмоқда.

ИСЛОМОБОД. Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларда айтилишича, Покистондаги ҳар юз аёлдан беш нафаригина ўқиш ва ёзишни билади. Оилада ҳам, жамоат ҳаётида ҳам ҳуқуқсизлик ва камситилиш Покистон хотин-қизларидан ғоят кўпчилигининг қисмати бўлиб қолмоқда.

Мамлакатда феодал тартиб ва анъаналар ҳануз давом этмоқда, қизларни чўриликка сотиш каби ҳоллар кўп учраб туради. «Мусулмон» газетасининг хабар беришича, Карочида қизларни Форс кўрфазидаги баъзи мамлакатларга олиб бориб сотиш билан шуғулланган шайка фош қилинган.

ЖАЗОИР. Жазоирда 1978 йилда қабул қилинган миллий электрлаштириш плани муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу мақсад учун 7 миллиард динар ажратиб берилди. Қишлоқ районлари жуда тез суръатлар билан электрлаштирилмоқда. Масалан, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг йирик саноат ва қишлоқ хўжалик райони — Тлемсен вилоятида беш йилликнинг охирига бориб электрлаштириш даражаси 87 процентга етказилади.

Жазоирни социал-иқтисодий ривожлантиришни 1980—1984 йилларга мўлжалланган беш йиллик планига киритилган электрлаштириш программасининг бажарилиши натижасида бир миллион хонадонда биринчи марта электр чироқлари порлайди, электр линиялари 50 минг километр узайтирилади, 10 мингдан зиёд трансформатор кичик станцияларни қурилади.

Жазоир ҳукумати шу ўн йилликда мамлакатни тўлатўкис электрлаштиришга эришишни планлаштирмоқда.

АНҚАРА. Сейдишехр алюминий комбинати Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қурилган. Бу комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш тўғрисидаги битим Туркия пойтахтида имзоланди. Битимда ана шу корхонада ҳар йили 120 минг тонна алюминий ва 400 минг тонна глинозем ишлаб чиқаришни таъминлаш кўзда тутилади. Бу — ишлаб турган комбинатнинг қувватидан икки баравар ортиқдир.

Саноат, технология ва корхона ишлари министри Ш. Хожатончу Анқарада ўтказилган Совет — Туркия музокаралари муваффақиятли тугалланганлигидан астойдил мамнун бўлганлигини Туркия ҳукумати номидан изҳор қилди.

(ТАСС, 16 март).

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1980 йилда рекорд миқдорда — 6 миллион 237 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида эришган катта муваффақиятлари ҳамда умуман пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўнинчи беш йиллик планларини ошириб бажарганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БУЙИЧА:

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Тўлаганов Тўлқин Раҳмонбердиевич — «Ташоблколхозстрой» трести Оржоникидзе район колхозлараро кўчма механизациялашган колоннаси ғишт терувчиси.

Тўранқулов Нишон — Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози бригадири ёрдамчиси.

Тургунов Ҳожиакбар — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози механизатори.

Тургунова Зулфия — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Тургунбоев Абдумўмин — Коммунистик районидаги «Политотдел колхози бригадири.

Турдалиев Одилжон — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бригадири.

Турдиқулов Сайлов — Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози сувчиси.

Уктамов Норинбой — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи ишчиси.

Уланов Иззат — Оржоникидзе районидаги Р. Мусамуҳамедов номли совхоз-завод тракторчиси.

Умаркулова Анор — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози сут согувчиси.

Умаров Юнусжон — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бригадири.

Умаров Юсуп — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз тракторчиси.

Умарова Бувайда — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози пиллачиси.

Умарова Нафиса — Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Умарова Улдан — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Умурзоқова Зулайхо — Оқ-

(Бошқа газетанинг 12—13, 14 ва 17 март сонларида).

қўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Умурқулов Анорқул — Пискент районидаги «Гулистон» совхози бригадири.

Умиров Абдурасул — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз бригадири.

Унаров Ўтбосар — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз сувчиси.

Урозбоева Марҳамат — Пискент районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Урозқулов Эргаш — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ха номли колхоз бригадири.

Уринбоев Тангир — Ғалаба районидаги Калинин номли совхоз молбоқари.

Уринбоева Тамара — Коммунистик районидаги «Правда» колхози аъзоси.

Усаров Матал — Оҳангарон районидаги «Тошкент» от заводи автомобиль ҳайдовчиси.

Усаров Худойберди — Бекобод районидаги «Оқ олтин» совхози автомобиль ҳайдовчиси.

Успинская Ольга Алексеевна — Оржоникидзе районидаги Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси паррандабоқари.

Усмонов Анорбой — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз тракторчиси.

Усмонов Ражаб — Оҳангарон районидаги Будённий номли совхоз сувчиси.

Усмонов Ҳасан — Бекобод районидаги А. Мавлонов номли совхоз звено бошлиғи.

Усмонова Ҳабиба — Бўка районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Усубалиев Нуриддин — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози автомобиль ҳайдовчиси.

Уташев Асулжон — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Фазлиддинов Назмиддин — Чиноз районидаги Киров номли колхоз сувчиси.

Фанков Раҳмон — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири.

Файзуллаев Уммат — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози механизатори.

Ҳайдаров Султон — Бўка районидаги «Ленинобод» колхози сувчиси.

Ҳакимов Мирҳосил — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози тракторчиси.

Холбўтаев Қурбон — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз бригадири.

Холиқулов Тожиқул Мирсеитович — Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози бригадири.

Холмуродов Рустам — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригадири.

Ҳасанбоев Ҳамбарали — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози механизатори.

Ҳасанов Абдушукур — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз пахта териш машинаси механиги-ҳайдовчиси.

Ҳасанова Шаҳодат — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Хошимов Абдуҳалил — Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози ишчиси.

Хошимова Зарифа — Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози ишчиси.

Хожиматов Мавлон — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхози чўпони.

Холов Абдураҳмон — Бекобод районидаги «Ленинград» совхози бригадири.

Хорунова Маъфура — Калинин районидаги «Иваново» совхози сут согувчиси.

Худоёрова Босбуви — Бекобод районидаги А. Навоий номли колхоз сут согувчиси.

Чиятошева Анор — Тошкент қишлоқ хўжалиги институти Киров номли ўқув хўжалиги ишчиси, Ғалаба райони.

Шофайзиева Маърифат — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Шефкетов Қурбон — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози сувчиси.

Шерматова Жамила — Тошкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Ширинов Камол — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози сувчиси.

Эбазеров Ҳайрулдин — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи ишчиси.

Эсонова Маҳар — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Эшбоева Баса — Оҳангарон районидаги Серго номли совхоз ишчиси.

Югай Захар Иванович — Ғалаба районидаги Димитров номли колхоз механизатори.

Югай Александра — Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози аъзоси.

Йўлдошев Карим — Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригадири.

Йўлдошев Саъдулла — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори.

Йўлдошева Куйсин — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Йўлдошева Ўгилча — Калинин район теплицалар қуриш ва эксплуатацияси комбинати сабзавоткори.

Йўлчиева Нафиса — Калинин районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Йўлчиева Рихси — Чиноз районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Юнусов Фидомат — Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» совхози автомобиль ҳайдовчиси.

Юсупов Ҳабиб — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз тракторчиси.

Юсупова Қиздарқул — Ғалаба районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Ямпнова Онажон — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхози ишчиси.

Ёндошалиева Нозимхон — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» Тошкент тажриба-ремонт механика заводи ишчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдалиев Эламас — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз тракторчиси.

Абдиев Тешабой — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози бригадири.

Абдукаримов Абдукалим Абдураҳмонович — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми директорининг ўринбосари.

Абдулазизов Наимжон — Тошкент районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Абдуллаев Абдуаҳад — Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози автомобиль ҳайдовчиси.

Абдуллаева Гулсара — Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.

Абдуллаева Жумагул — Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла ўрмон хўжалиги ишчиси.

Абдуллаева Несбали — Бекобод районидаги А. Навоий номли колхоз аъзоси.

Абдуллаева Ҳолбуви Рўзаевна — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети сектор мудири.

Абдураимов Анвер — Оржоникидзе районидаги Р. Мусамуҳамедов номли совхоз-заводи бригадири.

Абдураҳимов Аликул Абдукаримович — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози механизатори.

Абдураҳмонова Иззат — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози ишчиси.

Абдухошимова Мавлуда Акмаловна — Калинин район теплицалар қурилиши ва эксплуатацияси комбинати сабзавоткори.

Азизов Раҳмат — Тошкент районидаги А. Навоий номли колхоз аъзоси.

Азимова Мастура — Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз аъзоси.

Айвазов Мардали — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози сувчиси.

Алданов Бахтиёр — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори.

Алибоева Гулсанам — Оққўрғон районидаги А. Навоий номли колхоз аъзоси.

Алиева Фрида Петровна — Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхоз бузоқбоқари.

Анорбоева Насабали — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Анварова Мухаррам — Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси.

Ансарова Исминас — Оққўрғон районидаги А. Навоий номли колхози аъзоси.

Апазов Жафар — Паркент районидаги «Верхний Чирчик» совхози ишчиси.

Арақулова Насибали — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Ортиқалиев Жаҳбар — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз бригадири.

Ортиқов Ином — Бекобод районидаги «Дальварзин» совхози бўлим бошқарувчиси.

Асилбеков Карамат — Бўстонлиқ район сугориш шаҳобчалари ишлаб чиқариш бошқармаси гидротехниги.

Асланова Болаҳоним — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Аҳмедов Анвар — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози бригадири.

Аҳмедов Маматали — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз бригадири.

Аҳмедов Турғун — Бекобод районидаги «Дальварзин» совхози ишчиси.

Аҳмедова Рихси — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Ахтаев Турғун — Ғалаба районидаги «Сергели» совхоз саноат комплекси бош агрономи.

Бобоназарова Муҳаббат — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Бозорова Меҳри — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Бойбўтаев Дўстбой — Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхоз ранси.

Бойлиева Оқсултон — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози ишчиси.

Бойчўпонов Қулдош — Оҳангарон районидаги Жуков номли совхоз бригадири.

Бакиров Сиёвутдин — Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз звено бошлиғи.

Барков Петр Иванович — Бўстонлиқ район ветеринария станцияси бош врачи.

Ботиров Ғайрат — Ўрта Чирчиқ районидаги Низомий номли ўрта мактаб ўқувчиси.

Ботиров Гофир — Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз ранси.

Бахромқулов Адим — Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси тракторчиси.

Бегалиев Болғабой Жумашевич — Бўстонлиқ районидаги «Тошкент» пилла уруғчилиги совхози тракторчиси.

Бегжонова Талша — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози сут согувчиси.

Бейсенова Руқия — Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхози ишчиси.

Бекмўлатов Собир — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз механизатори.

Бектаев Тўрабек — Ғалаба районидаги «Москва» колхози бригадири.

Бизаков Гуломқодир — Коммунистик районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Бондарева Зоя Андреевна — Тошкент «Облсельхозтехника»си катта инженери.

Бўктиров Али — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз звено бошлиғи.

(Давоми бор).



Ҳиндистон республикасида сўнгги йилларда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Унинг экономикаси тобора юксалиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришилмоқда. Ҳозирги кунда бу мамлакат жаҳондаги саноати ривожланган ўн давлатнинг бири ҳисобланади.

Суратда: Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳлининг бугунги кўриниши.

В. Дубиль ва И. Зотин фотолари. ТАСС фотохроникаси.

ПЕКИННИНГ ЭКСПАНСИЯЧИЛИК ЙЎЛИ

ДЕҲЛИ, 17 март. (ТАСС). Пекин Ҳиндистон билан нормал муносабатлар ўрнатишга интилаётганлиги тўғрисида жар солиб, амалда экспансиячилик йўлини давом эттирмоқда. Ҳиндистонда чиқадиган «Хиндустан таймс» газетасининг ёзишича, ҳали яқингачагина Хитойда эълон қилинган бир қанча картографик тўпламлар 1975 йилда штат сифатида Сикким Ҳиндистонга ихтиёрий равишда қўшилганлигини назарга олмай, ана шу территорияларнинг бир қисмини Хитойга берди.

Ҳиндистон жамоатчилиги Пекинининг душманлик сиёсати, жумладан сепаратчиларга моддий ёрдам ва бошқа ҳил мадад беришни тўхтатилишини қатъий талаб қилмоқда. Сепаратчиларнинг мамлакат шимоли шарқидаги хатти-ҳаракатлари стратегик аҳамиятдан муҳим бўлган шу районни Ҳиндистондан ажратиб олишга қаратилгандир.

Хитойнинг картография соҳасидаги агрессияси, деб уқтиради Ҳиндистон матбуоти, Пекин экспансиячилик сиёсатининг амалдаги ифодасидир. Жумладан, 1962 йилда Ҳиндистон — Хитой чегарасидаги қуролли можаро натижасида Хитой қўзғолган Ладакха районида (Жамму ва Кашмир штати)

Савр инқилоби куйчиси

АФҒОН ШОИРИ МИР АБДУЛҚОДИР АБХАР «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МЕҲМОНИ

Бу шоирнинг номи дўст ва қўшни Афғонистонда жуда яхши таниш. У илғор ғоялар, Ватан ва халқ озодлиги куйчиси сифатида эл ҳурматини қозонган.

Камбағал деҳқон оиласида туғилган Абхар ёшлигиданоқ шеъриятга ҳавас қўйди. 15 ёшида унинг эркин Афғонистон, унинг нурли келажагига бағишланган «Ватан» шеъри босилиб чиққан эди. Эртанги бахтли кунларга, озодлик учун курашга чорловчи инқилобий мисралари шоир ижодида марказий ўринни эгаллайди.

Мир Абдулқодир Абхар рус ва совет поэзиясининг эўр ихлосмандидир. У илк бор бундан қариб йигирма йил муқаддам Совет Иттифоқига келган эди. Москвада, Ленин мавзолейида бўлгач чуқур таассурот билан башарият дохийсига бағишлаб достон битганди. Шу-шу Ленин мавзуси, партия ва ватан мадҳи, озодлик учун кураш унинг ижодида етакчи мавзуга айланди.

Абхарни республикамиз пойтахти Тошкент билан мустаҳкам дўстлик иплари боғлаб туради. Бу ерда афғон шоири рус тилини ўрганди. Илк шеърларини радиода ўқиб, матбуотда эълон қилиб, совет ўқувчиларига танила бошлади. Атоқли шоир Ғафур Ғулом билан яқиндан дўстлашди, унинг шеърларини ўз она тилига таржима қила бошлади.

Абхар 1974 йили Ленинград маданият институтини муддатидан илгари уч йилда тамомлаб, илмий иш қила бошлайди. Совет адабиётидаги инсонийлик мавзуида тадқиқот олиб бориб, фан кандидати илмий даражасини олди.

1978 йил Апрель революциясидан сўнг Абхар янги куч ва илҳом билан жўшиб ижод қила бошлади.

Яқинда афғон шоири «Тошкент ҳақиқати» редакциясининг меҳмони бўлди. Бугун сиз унинг туркум шеърлари билан танишасиз.

АБХАР, афғон шоири

ТОШКЕНТ

Эй, гўзал Тошкент менга ишқу фасона шаҳрисан,
Мажаройим шаҳрисан, эркин тарона шаҳрисан.

Сен буюк муаллим каби менга йигитлик чоғидан,
Раҳнамон янги йўл, янги замона шаҳрисан.

Офтобнинг нури билан ойдин ҳамиша йўлларим,
Бул менинг қалбим фазоси — жовидона шаҳрисан.

Менга фикри инқилоби берди ёрқин машъалинг,
Янги дунё масканисан, менга ягона шаҳрисан.

Тушди токи қалбима ишқингни сўзон ўтлари
Бўлди сўзим сўзидан қоғоз — сўзона, шаҳрисан.

Ленинн аъзам йўлига сендаги дорилфунун,
Раҳбарим ҳам раҳнамон доҳийона, шаҳрисан.

Туҳфа қилдим мен Навоий шаҳридин шеъру ғазал,
Сен днёру ишқ эрурсан ҳам тарона шаҳрисан.

Сийна сен, шод бўл жаҳонда қаҳрамон халқнинг сенинг,
Сен гўзалсан — Осиёнинг бир ягона шаҳрисан.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

МОСКВА. СССР Давлат академик Малий театрида «Қўриқ» спектакли намойиш қилинмоқда. Спектакль композицияси Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асари асосига қурилган бўлиб, уни РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Львов-Анохин ва В. Бейнислар саҳналаштиришган. Режиссёр М. Трубина. Суратда: спектаклдан бир кўриниш.

◆

МИНСК. Белоруссия автомобиль заводининг юзлаб ишчилари кунлик нормаларини бир неча бор ортиғи билан бажармоқдалар. Яқинда бу ерда 110 тонналик улкан самосвалларнинг дастлабки намуналари ишлаб чиқарилди. У бошқарилиши енгиллиги, кабинасининг камфортабеллиги, такомиллашган электродинамик тормозланиш ва бошқа кўпгина хусусиятлари билан олдингиларидан ажралиб туради. Суратда: 110 тонналик «БелАЗ».

ЕРЕВАН. Советашенск трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасидан мамлакатимизнинг кўплаб районларига болалар ва катталарнинг кўркам кийимлари жўнатилмоқда. Бирлашма коллективи ўнинчи беш йиллиқда планга қўшимча 20 минг лион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Ҳозирги кунда корхона ишчи-хизматчилари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили план ва топшириқларини ортиғи билан бажариш учун курашмоқдалар. Суратда: болалар учун тайёрланган янги либослар моделлари.

ТАСС фотохроникаси.

13 ЁШЛИ РАССОМЛАР

Ю. А. Гагарин номидаги Тўқимачилар маданият саройида ёш ҳаваскор рассомларнинг кўргазмаси очилди. Ундан ўрин олган расмларининг муаллифлари — 13 ёшли Зарема Рамазонова, Женя Бурда, Стасик Кузнецов ва Марина Кузнецовалардир. Бу рассомлар ўз устозлари Я. Л. Фрумгарц ва В. Л. Латипова раҳбарлигида тасвирий санъат сирларини чуқур ўрганиб, акварель бўёқлари билан ранг-баранг мавзуларда расмлар ишлашга киришганлар.

Кўргазмадан аксарият Ж. Бурданинг ишлари кенг ўрин олган. Женянинг чизган натюрмортлари, табиат манзаралари, ўзбек, қозоқ ва рус халқ эртакларига, машҳур рус классиклари А. С. Пушкин, А. П. Чехов ва француз ёзувчиси А. Дюма асарлари воқеаларига ишлаган расмлари кишини ўзига жалб қилади. Ёш рассомнинг Ўлуғ Ватан уруши лавҳаларидан ҳикоя қилувчи полотнолари ҳам таъсирли.

З. Рамазонова ва М. Кузнецова ижодида эса кўпроқ ўлкамиз манзараларини тасвирлаш, халқ эртакларига чизилган расмлар ғоят жозибали чиққан.

С. Кузнецовнинг изланишларида Улуғ Ватан урушидаги совет халқининг жасорати ва бу урушнинг кишилар қалбида қолдирган мудҳиш хотираларини акс эттиришга кўпроқ мойиллик борлигини ҳис этамиз. Унинг «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди», «Уруш бизга бегона», «Номаълум солдат қабри» каби расмлари шулар жумласидандир. Фантастик расмлар ҳам Стасикнинг ижодий тасаввури анча кенг эканлигини кўрсатади.

Тўқимачилар маданият саройида намойиш қилинаётган бу кўргазма ёш ҳаваскор рассомларнинг ижоди моҳир ва талабчан мураббилар раҳбарлигида камол топаётганлигидан далолат беради.

З. ТОШМУҲАМЕДОВА.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ТАРИХНИНГ ЎТТИЗ ДАҚИҚАСИ

Халқлар дўстлиги ордени-ли «Ўзбекистон» нашриёти В. А. Архангельскийнинг «Тарихнинг ўттиз дақиқаси» китобини чоп этди.

Рё Накахира В. И. Ленинни кўриш, у билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган. Бу воқеа бундан 60 йил муқаддам рўй берган эди. 1920 йилнинг ёз ойларидан бирида Накахира В. И. Ленининг кабинетида ундан интервью олган. Кўп йиллик изланишлар туфайли китоб муаллифи Рё Накахиранинг В. И. Ленин билан қилган суҳбати тўғрисидаги интервьюнинг вариантини излаб топишга муваффақ бўлди. Китобда мана шу суҳбат тарихи ва япониялик Накахиранинг кейинги тақдири тўғрисида қизиқарли ҳикоя қилинган.

ХАЛҚ ТУРМУШИНИНГ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

«Жонли Великорус тили изоҳли луғати»нинг сўнгги, тўртинчи томи босилиб чиқди. В. Далнинг бу китоби — 1863—1866 йилларгаги биринчи нашри чиққанидан бери еттинчи марта чоп этилишидир.

Замондошлари айтмоқчи, «Даль луғати» мақсади ва бажо келтирилиши жиҳатидан танҳо бир ҳодисадир. В. И. Далнинг касби тилшунослик эмасди. Лекин сўзлар, мақол ва маталлар, эртаклар, қўшиқлар, топишмоқларни йиғиш унинг том маънода бир умрлик иши бўлиб қолди. Луғатни бошлаб берган дастлабки битикларини 18 ёшида ёзган бўлса, вафотидан бир неча кун олдин унга сўнгги тўртта сўзини киритганди.

Даль 53 йил мобайнида қариб 200 минг сўзни йиғди ва уларни изоҳлаб берди. XIX аср биринчи ярмининг лексикаси, яъни Пушкин, Лермонтов, Гоголь тили билан бирга область лаҳжалари, турли касб-ҳунарлар терминологияси кенг кўламда берилган. Луғатда мақол ва маталларнинг ўзидан 30 мингтаси бор! Деҳқончилик календари билан боғлиқ аломатлар муфассал тушунтириб берилади, ғоят хилмахил этнографик маълумотлар келтирилади. Даль бирон сўзни изоҳлаётиб, кўпдан-кўп синонимлар келтирадики, булар рус тилининг битмас-туганмас бойлигидан, унинг сўз ясаш беҳад имкониятларидан далолат беради.

Даль луғати ҳозирги кунларда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Унинг 2700 саҳифаси — халқ турмушининг ҳақиқий энциклопедияси, адиб ва филологинггина эмас, шу билан бирга рус тилига қизиқувчи ҳар қандай кишининг ҳам йўлдошидир.

Москва.

(ТАСС мухбири).

ЯНГИ ЭКСПОНАТ

Серқуёш республикамизда энг баланд иншоот ҳисобланган Тошкент телеминораси кундан-кунга кўкка бўй чўзиб бормоқда. Унинг баландлиги 350 метр бўлиб, «Алтай», «Гранит» орбиталарига мослаштирилган 4 та радио антеннаси ҳам қурилади. Бундан ташқари телеминорада шаҳарни юқоридан туриб кузатиш майдончаси, ресторан ва гидрометеорология ишлари учун алоҳида жой ажратилади. Минора ичига тушгандан сўнг 5 программа орқали телевизион эшиттиришлар олиб борилади.

Ўзбекистон Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида ана шу телеминоранинг макети намойиш этилмоқда. У томошабинлар диққатини тортаяпти.

К. ҚОБИЛОВ.

НАВОИЙ

Навоий — шоири озода хотир,
Навоий нуктасанч, ноёбу нодир.
Навоийдек олиму ҳам диловар
Жуда кам эслагай тарихи Ховар.
Қилич бирла қаламга эрди устод,
Сафо зийнат эрур ҳам соҳиби дод.
Гўзал инсон юрагида мақомни
Навоийнинг эрур жавод номи.
Қувонгай номига ўзбегу тожик,
Нечук ким бу жаҳондин кетди
номнек.
Ҳирот — ушбу диёри илму фарҳанг
Номингдан топди кўп равнақ била
ранг.
Каломингдан жаҳонда шеъри дарий
Топиб равнақ қувонди ёшу қари.
Навоий шеъри — ўзбекнинг устод,
Адибу нуктасанжу аҳли ижод.
Эрур машриқ заминда катта олим,
Балонжони хоин бирла золим.
Бериб ўз асрининг золимларига
Жазолар кўп қалам — шамшир бирла.
Мудом зулму ситамга қаршн эрди,
Ситамгарлар жазосин яхши берди.
Сухан мулкида эрди Хисравн аср,
Қилур Беҳзоду Жомий номига фахр.
Ёқиб илму одобнинг машъалини, —
Узининг асрини рахшанда қилди.
Жаҳонсоз Ленини мафкура бирлан
Ситам кўрмас, Навоий, ушбу меҳан.
Сенинг юртингга яхши назм келган
Ватан, файзи билан обод бўлган.
Йўқолди ушбу юртингдан ситамгар,
Топибдур ўлка аҳли шон ила фар.
Ватан яшнаб гулистон бўлгусидур,
Ватанниинг дарди дармон бўлгусидур.
Йўқолди, ушбу юртингдан, Навоий,
Ситам бирла жафою ҳам табоҳий.
Келубдур янги назми, янги ойин,
Шу боисдан сенармиз Савр ойин.
Курашдан чарчамай барча йигитлар,
Қилурлар тинмайин меҳнат диловар.
Сенинг фахрингдин, эй, Ленни,
юрагим —
Ҳарирурдек эрур — маввож доним.
Сенинг фикринг яратди эй, Навоий,
Жаҳон халқи дилида фикри олий.
Биза Октобру ҳам Савр ойи
Берибдур кўп саодат, эй, Навоий!

Дарий тилидан Салом Осимнинг эркин таржималари.

Янгиликлар

● ДОҲИЙ В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТ ● «ҚЎРИҚ» МАЛИЙ ТЕАТР САҲНАСИДА ● «В. ДАЛЬ ЛУҒАТИ»НИНГ ТЎРТИНЧИ ТОМИ ● АБХАР — ЭЗГУЛИК ҚУЙЧИСИ ● САЛОМАТЛИККА ЕРДАМ БЕРАДИГАН ТАОМЛАР ● БОЛАЛАР НАЗДИДАГИ ОЛАМ

ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

Баҳор келиб, кунлар исиши билан эл оғзидан «илик узилди» деган иборани тез-тез эшитиб туриш мумкин. Бу толиқиш киши организмининг турли витаминларга бўлган интиқлиги натижасидир. «Илик узилди»нинг давоси турли кўкатлардан тайёрланган тансиқ таомлар ҳисобланади.

Кашнич, укроп, пиёз, саримсоқ, редиска, шавель, петрушка, шпинат, ялпиз, жаъ-жаъ, отқулоқ, момоқаймоқ ва бошқалар киши организми учун жуда керакли ҳисобланган «С» витаминига бўлган кучли талабни қондиради.

Уларни ювиб, тозалаб соф ҳолда танаввул қилиш жуда фойдалидир. Бундай кўкатлар дастурхонни ҳам кўркам қилиб туради.

Шунингдек, улардан турли-туман ва салатлар тайёрланади. Қуйида кўклардан сомса, чучвара, суюқ ош ва салат тайёрлаш ҳақида маслаҳат берамиз.

КЎК СОМСА

Ҳамир ёйилгач, отқулоқ, ялпиз, йўнғичқа, жаъ-жаъ, шўра каби ош кўклардан ва пиёздан қийма тайёрланади. Унга туз, қалампир ва жизза қўшилади. Зувалачаларни жўва билан қалинлиги бир миллиметр қилиб ёясиз. Жилдларга бир ош қошигида қийма солиб тўрт бурчакли сомса тугасиз. Сомса духовка ёки тандирда пиширилади.

ЧУЧВАРА

Қиймаси отқулоқ, жаъ-жаъ, ялпиз, йўнғичқа, шўра, исмалоқ, момоқаймоқ, кашнич, кўк пиёз, оқ пиёз, жизза ёки думба ёғи аралашмасидан тайёрланади. Ҳамма масаллиқлар майдаланиб, туз ва қаламшир билан аралаштирилгач, қизиб турган қозонда қовурилади. Тиниб турган хамирни ёйиб, квадрат шаклида кесасиз ва тайёр қийма солиб чучвара тугасиз. Овқат пишгач, лаганга кўтарилиб, юзига сарёғ суркалади.

12 кишига таом тайёрлаш учун 500 грамм ун, бир дона тухум, бир чой қошиқ тузли хамир қорилади. 1 килограмм ошкўк, 500 грамм пиёз, 150 грамм думба ёғи, ва таъбга кўра туз, қалампирдан қийма тайёрланади.

СУЮҚ ОШ

Гўштни куб шаклида огирлиги 30—40 граммдан қилиб тўғрайсиз ва совуқ сувга солиб қайнатасиз. Сувнинг бетидаги кўпиклар олиб ташлангач, майда тўғралган пиёз солинади. Маълиқ 10—15 минут қайнатилиб, майда тўғралган картошка ташланади. Яна ўн минутдан кейин эса қозонга тўғралган шавель, ялпиз солинади. Бу вақтда таъбга қараб туз ва қаламшир аралаштиришни унутманг. Тайёр таомга қаймоқ ва кўкатлар аралаштирилса, жуда хушхўр бўлади.

6 кишига таом тайёрлаш учун ярим килограммдан гўшт ва картошка, 240 грамм пиёз, 120 грамм ялпиз, 180 грамм шавель, 120 грамм қаймоқ керак бўлади.

„НАВРЎЗ" САЛАТИ

Салат тайёрлаш учун редиска, лотук барги яхшилаб ювилиб, тўғралади. Улар аралаштирилиб, маълум миқдорда туз ва мурч қўшилади. Сўнгра пишлоқ қирғичдан ўтказилиб, устидан пишган тухум майдаланиб сепилади. Уларни ҳам кўкатли аралашмага қўшамиз. Қориштириш вақтида масаллиққа оз-оздан қаймоқ қўшиб туриш лозим. Салат тайёр бўлгач, ликопчаларга солиб кўкатлар билан безаб дастурхонга тортилади.

6 кишига салат тайёрлаш учун 120 грамм кўк пиёз, 210 грамм редиска, 60 грамм лотук барги, 120 грамм пишлоқ, 3 дона тухум ва 90 грамм қаймоқ керак бўлади.

Ш. СОЛИҲОВ, пазанда.

ҲАЁТ — ҚИЧҚИНТОЙЛАР ТАСВИРИДА

ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ гўзал табиатдан завқланганини ҳеч кўрганмисиз? Беихтиёр учиб юрган чиройли капалакни кўриб қолса, тутиб қолиш учун қувлай бошлаганда қувонганини-чи? Унинг шу дақиқада бошидан кечираётган ҳиссиётн нафис ва фусункор табиатнинг мўъжаз бир заррасидан шодланиши — нақадар завқли!

Кейинчалик шу қичқинтой мактабда ўша капалакнинг расмини қоғозга чизар экан, ҳаётда кўрганига ўхшатиб чиза олаётганидан беҳад хурсанд бўлиб кетади. Лекин у кўмак ва рағбатлантиришга муҳтож. Ғўдакнинг мурғак тасаввури изчил тарбия натижасида теран ва кучли ҳиссиётга айланади. Тарбиянинг бу соҳаси жиддий эътибор талаб қиладиган вазифадир.

Областимиз шаҳар ва районларида ҳам ўқувчилар расм дарсларида, мактабдан ташқари муассасаларнинг тасвирий санъат тўгаракларида ўқитувчилари ва рассомлар раҳбарлигида мунтазам машғулотлар олиб бормоқдалар. Нафосатни идрок этиш жараёнида гўзалликдан баҳра олиш қобилиятлари шаклланмоқда, ёш ижодкорларнинг янги-янги асарлари яратилмоқда. Яқинда Чирчиқ шаҳрида ташкил қилинган расмлар кўргазмаси фикримизнинг далилидир. «Олам — болалар кўзи ўнгида» деб аталган бу кўргазмада областимизнинг Ангрен, Олмалиқ, Ғазалкент ва Бекобод шаҳарлари, Ғалаба, Оржоникидзе, Коммунистик районларининг ўқувчилари яратган расмлар намойиш қилинмоқда.

Тенгдошларининг ижодига муносиб баҳо бериш учун келган мактаб ўқувчилари, расм тўгаракларининг раҳбарлари Чирчиқ шаҳар ўлкашунослик музейига ташриф буюришди. Улар қалбларида қувонч ва ҳаяжон билан албом лентанинг қирқилишини кутишмоқда. Фурсатдан фойдаланиб кўргазма ташкилий комитетининг раиси, область маданият бошқармасининг бошлиғи В. А. Емцов билан суҳбатлашамиз:

— Болаларга эстетик тарбия бериш борасида бундай тадбирларнинг ўтказилиб туриши қандай натижалар бермоқда?

— Йилнинг баҳор ойларида маданият муассасалари, пионерлар саройлари ва мактабларда ёш рассомлар асарларини намойиш қилиш одат тусига кириб қолган. Лекин бундай кенг кўламли, «моҳир қўллар» тўгараклари билан ҳамкорликдаги кўргазма областимизда биринчи марта ташкил этилди. Шунинг учун ҳам бу кўргазма — айни бир вақтда ёш санъат ихлосмандларининг ўзаро беллашувидир. Бугун сервазк кичкинтойлар ўз тенгдошларининг 200 га яқин турли мавзуларга оид расмлар, ёғоч ўймакорлиги санъати намуналари, нафис кашталар, ёш ҳайкалтарошларнинг ижодлари билан танишадилар...

Расмларни кўздан кечирар эканмиз, уларнинг барида объектив воқелик, табиат манзаралари талқин этилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ангрен шаҳар 16-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Наташа Федорова ўзининг туркум расмларига «Марсда» деб ном берибди. Унда фазогир қиз ва улкан космик кема фантастик ифодаланган. Наташанинг мактабдоши О. Пичуриннинг «Бахтли болалик» асари ҳам муваффақиятли чиққан. Бекободлик Гуля Шафиева эса ранг-баранг матолардан «Масхарабоз» қўғирчоғини ясабди. У бир неча йилдирки шаҳар пионерлар уйидаги «Моҳир қўллар» тўгарагида ишгирок этмоқда.

Ангрен шаҳар ёш техниклар станциясининг аъзоси И. Деминанинг «Қўёнча»си ҳам кўргазмада юқори баҳо олди.

Меҳмонлар ангренлик 12-болалар боғчасининг тарбиялануччиси 6 ёшли Саша Русаковнинг «Урмонда қиш» асари қаршисида узоқ турнб қолишди. Ёш рассом улкан дарахтларнинг оппоқ қорга бурканганини ғоят жонли тасвирлаган.

Чирчиқ шаҳар 17-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Нургали Дуйсебоевнинг расмлари ҳам барчанинг диққатини ўзига жалб қилди. У «Куз манзаралари», «Чавандозлар», «Йигитлар», «Тоғларда» асарларида сарқуёш республикамиз далалари, қадрдон шаҳар ишчилари ва ўлкамиз манзараларини мўйқаламга олган.

Ҳа, болаларга эстетик тарбия бериш, тасвирий санъатга жалб қилишдан мақсад фақатгина уларда рассомлик истеъдодини тарбиялаш эмас. Айни чоғда фарзандларимизда ҳаётга, табиатга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини уйғотиш, гўзалликни қадрлай билиш, характерларида софдилликни шакллантириш ҳамдир. Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган кўргазма ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

А. НОСИРОВА.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ЁШЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Самарқандда республика ёшлари спорт ўйинларининг программасидаги қишқибозлик мусобақалари ниҳоясига етди. Унда Қорақалпоғистон АССР, область терма командалари ва Тошкент шаҳри вакилларн иштирок этишди. Беш кунлик кескин курашдан сўнг 222 очко тўпланган Тошкент шаҳри командаси биринчи ўринни эгалладн. Областимиз вакиллари 131 очко жамғарнб, иккинчи бўлдилар. Учинчи ўринга эса 115 очко тўпланган Самарқанд области ёшларн кўтарилишди.

Эртага мусобақа иштирокчилари спортнинг иккинчи тури — замонавий тўртқураш бўйнча ўзаро беллашадилар.

БИЛЛУР СОВРИН УЧУН

Ўтган якшанба куни футбол бўйнча республика кубоги мусобақаларига старт берилди. Республикамизнинг кучли командалари тўрт кичик группага бўлинйб, ўзаро куч синашмоқдалар. «Халқобод» стадионида иккинчи группа командалари дастлабки тур ўйинларини ўтказишди. Майдон эгалари — «Соҳибкор» командаси Хоразмнинг «Хонқа» коллективини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Хоразмнинг «Наримоновчи» ва Гулистоннинг «Пахтачи» коллективлари баҳсида 1:1 ҳисобн қайд қилинди.

Биллур совриН учун беллашаётган Тошкентнинг «Старт» командаси тўртинчи группада иштирок этаётир. Тошкентликлар биринчи учрашувни Самарқандининг «Динамо» коллективи билан ўтказиб, 1:1 ҳисоби билан тугатишди. Шу группадаги «Зарафшон» ва «Янгиер» командаларининг учрашуви 1 : 2 ҳисобида тугади.

Навбатдаги тур учрашувлари 22 мартда ўтказилади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
25—31 МАРТ КУНЛАРИ — МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА
КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Программада — «МАЙМОҚ АИИҚ», «МАНЕЖ ҚИРОЛИ» кинофильмлари ва «АИИҚ» француз кинокомедияси қатнашчиси —

АИИҚ ГОША ҚАТНАШАДИ

Ўргатувчи — РСФСР халқ артисти ва Удмуртистон АССР халқ артисти Иван КУДРЯВЦЕВ.

Акробат-эксцентриклар, эквилибристлар, музикали номерлар, жонглёрлик, ўргатилган айиқлар группаси, Вячеслав НОСКОВ ва Дмитрий РОГОЗИНЛАР ижросида масҳарабозликлар, интермедиялар, пародиялар.

Томошаси соат 10, 13, 16, 19.30 да бошланади.
Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар программаси. 10.35 — Телевизион бадиий фильм. 11.50 — Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 15.40 — Фантастик симфония. 16.35 — Телевизион журнал. 17.05 — Шахмат мактаби. 17.35 — Фильм-концерт. 18.05 — Горнчилар қаердасиз? 18.35 — Жасорат. 19.05 — Киножурнал. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.00 — Кинокамера оламни кузатади. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. «Динамо» (Тб) — «Вест хэм» (Англия).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.35 — Болалар учун концерт. 19.05 — Мусобақа — омма ижоди. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Париж Коммунаси ва рассомлар. 20.15 — Пиллачиларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Тоғ қизи. Бадиий фильм. 23.30 — Халқаро ахвол кундалиги. 23.45 — Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Фильм-концерт. 19.00 — Биз ишчи бўламиз. 19.30 — Ўзбекистонда совет адабиёти кунларига. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Эстетика асослари. 20.55 — Физика.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18|III да Келинлар кўзголони, 19|III да Соқов рицарь, 20|III да Инқилоб тонгги.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18|III да Кулги кечаси,

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18|III да Кўзингни каттароқ оч (19.00), 19|III да Чандиқлар (19.00), 20|III да Ташвишланманг, онажон (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Ўргатилган айиқлар» аттракциони иштирокида янги программа (19.30).

Тошкент область ижроия комитети деҳқончилик бошқармаси коллективи 10-деҳқончилик мудири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Зинир Валиевич ВАЛИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325757; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01867. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1563. 13